Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

44 сон

1 — 7 ноябр 2007 йил

# ЭЛ ОРАСИДА ҚАДР ТОПДИМ



Андижон вилояти Андижон туманидаги “Омад-97” фермер хўжалиги раҳбари Омадхон Ҳамидова билан суҳбат

**Оиламиз меҳмони**

**- Омадхон опа, фермер хўжалигингизнинг номини “Омад-97” деб аташингизда бирор рамзий маъно борми?**

- Бобомдан мерос бўлиб қолган исмимнинг ўзи Омадхон. Фермер хўжалиги 1997 йилда ўз фаолиятини бошлагани учун “Омад-97” деб қўя қолдик. Ҳар бир инсонга қадрли, керакли бўлган бахт, омад иборалари тилга кўчганда бошқача жаранглайди-да.

**- Меҳнати оғирлиги, машаққатининг мўллиги учун бўлса керак, ота-боболаримиз деҳқон ўтганлигини ғурур билан тилга оламиз. Аёл бошингиз билан шундай оғир меҳнатни зиммангизга олишга нима мажбур қилди?**

- Эсимни таниганимдан бери даладаман. 1973 йили қишлоқ хўжалиги институтини тугаллаб Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг учинчи бўлимига бригадир қилиб тайинландим ва ўн йил шу бригадага бошчилик қилдим. Йиллар мобайнида тажрибам ошди. Одамлар дилидагини ўқийдиган, меҳнатини қадрлайдиган бўлдим. Эл ишончини оқлаганим боис, саксон иккинчи йили фуқаролар йиғинига раис этиб сайландим. Бу ерда уч йил ишладим. Оила, турмуш муаммоларини ҳал этиб одамлар орасида юришнинг ёмон томонини кўрмадим бироқ, ерга, тупроққа бўлган ишқим мени яна далага етаклади. Кўриб турганингиздай жавлон уриб юрибман...

**- Уйини супириб-сидириб, ош-овқатини вақтида тайёрлайдиган аёлни орзу қилмаган эркак бўлмаса керак. Тонг отмай далага кетиб, кун ботганда ҳориб-чарчаб қайтадиган аёлнинг умр йўлдошига ҳар доим қийин менимча...**

- Аслида менинг устозим ҳам, таянчим ҳам турмуш ўртоғим Эшпўлат ака бўлади. Ўзлари Қишлоқ хўжалиги институтида дарс берадилар, тупроқшунос олим. Тупроқни боласидай суядиган, ер билан одамдай суҳбатлашадиган инсон. Бу ҳам бўлса менинг ютуғим, бахтим деб ўйлайман. Бир ўғил икки қизимиз бор. Улар уйли-жойли бўлиб, ўзларидан тинчиб кетишган. Худога шукр 8 нафар набирам бор. Болаларим ёш пайтида тунда ухлаганим кам бўлган. Даладан кеч қайтардим. Кир ювиб нон ёпардим, чироқ ёқиб ҳовли супурардим. Нонуштани тайёрлаб қўйиб далага кетардим. Эркак киши ёндошмаса, эш бўлмаса, бир аёлнинг ҳаракати беиз, бесамар кетиши аниқ.

**- “Омад-97” да неча киши меҳнат қилади, уларга қандай шароитлар яратилган?**

- Кўриб турганингиз мана шу шинам-ёруғ хоналар, қишки, ёзги ошхоналар эрта баҳорда таъмирдан чиққан, табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган. Сабзавотларнинг ҳаммаси ўзимизда етиштирилади. Қора қозонимиз беминнат қайнаб турибди. Хўжалигимизда 100 гектар ер, 65 нафар ишчи бор. Ажратилган ернинг 35 гектари уруғлик буғдой, 35 гектари уруғлик пахта, қолгани сабзавот экинларига мўлжалланган. Ёввойи ўт билан қопланиб ётган анчагина ерни ўзлаштириб иссиқхона қилганмиз. Гоҳида қишда ҳам халқимиз дастурхонига ярашиқли неъматларни етказиб беришдек савобли ишга қўл урганимдан ғурурланиб кетаман. Буларнинг ҳаммасига ўз меҳнатим билан эришдим, десам муболаға қилган бўламан. Биз фермер хўжаликларига вилоят, туман хокимлиги томонидан катта эътибор қаратилди. Жуда узоқ масофадан табиий газ келтирилди. Тоза ичимлик суви билан таъминландик. Ҳукуматимиз томонидан эртапишар пахта навлари яратилиши, пахтачиликка замонавий техниканинг кириб келиши биз фермерлар ишининг ривожини оширди. Мулкдорга айланиб ёмон бўлмадик. Айниқса бу йилги йиғим-терим мавсуми бошқача бўлди. Вилоят ҳокими ташаббуси билан “Отряд” усули қўлланилди. “Отряд” бошлиқларининг биз билан елкама-елка туриб меҳнат қилиши, фермер хўжалиги рахбарларининг жонига оро кирди. Ҳашар йўли билан иш унуми ўсганлиги боис белгиланган режани атиги 14 кунда бажардик. Давлатга бир гектар ердан 34 центнердан пахта хосили топширилди. Ғалла режаси ҳам шундай барвақт бажарилди. Ҳозир омборимизда 32 тонна ғалламиз бор. Бу хўжалик ишчиларининг нони бутун дегани. Чунки уларга меҳнатига, оиласига қараб буғдой бўлиб берилади.

**- Меҳнатларингиз эвазига нима топдингиз?**

Аввало эл орасида қадр топдим, камол топдим. Тўй маъракаларга бориб қолсам, кайвони нуроний оналар қаторидан жой кўрсатишади, ғурурланиб кетаман.

**- Ўзбек элидек хайр-эҳсонли халқ топилмаса керак. Ишчиларингиз билан суҳбатлашганимизда сиз тўғрингизда ҳам яхши гаплар айтишди...**

- Яхши одам қилган савобли ишини унутади. Қўл билан берганга қуш тўярмиди. Ҳар бандани Оллоҳнинг ўзи қўлласин. Майли сўрадингиз, миннат эмас, суҳбат учун баъзиларини гапириб берай. Бундан 3-4 йил аввал шу ерда чиройли қилиб хайрия тўйи ўтказиб бердик. Икки ёшга никоҳ тўйи, бир нечта болакайларга хатна тўйи ўтказиб берилди. Ўтган йилги даромадимиздан кам таъминланган иккита оилага соғин сигир берилди. Ҳар ҳайит байрамларида хўжалик ишчиларининг хонадонига совға-саломлар улашиб чиқамиз. Тумандаги Сил касалликлари диспансерига, вилоят онкология ҳамда шаҳардаги болалар шифохонасига ҳомийлик қиламан. Уларни имкони борича сабзавотлар билан таъминлаб турамиз. Саховатпешалик, меҳнатдан толмаслик менга онамдан ўтган бўлса керак. Ҳар йили эрта баҳорда дошқозонларда сумалак пиширамиз. Қўй сўйиб, эҳсон қилиб, маҳалла аҳлига сумалак улашиб чиқамиз. Кимгадир фойдам тегаётганлигини кўриб кўнглим фахрга тўлади, ҳар бир куннимдан қониқиб яшайман.

**- Суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош МУНАВВАРА**

**ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

**Дилкаш ва беминнат суҳбатдошингиз—«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига 2008 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?**

**Обуна индекси:**

**жисмоний шахслар учун—176.**

**Корхона ва ташкилотлар учун—177.**



Носир ота Эргашев Навоий вилояти Хатирчи туманининг 18-ўрта мактабида 35 йил ўқитувчилик қилиб, эл ҳурматини қозонди. Бугунги кунда Носир ота турмуш ўртоғи Ҳосият ая билан 2 ўғил, 4 қиз ва 20 га яқин невrouteларининг камолини кўриб, бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

- “Оила ва жамият”нинг ҳар бир сонини оиламизда мароқ билан ўқиб борамиз ва битмас-туганмас завқ-шавқ оламиз. Тилагим — “Оила ва жамият” барча хонадонга шодлик, бахт улашаверсин, дейди Носир ота Эргашев.

**Сафия НАЗАРОВА**

**Республикамизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва республика Эндокринология илмий текшириш институти ҳамкорлигида жорий йилнинг 20 октябридан 20 ноябрига қадар “Қандли диабет–ҳаёт тарзи” шиори остида ойлик ўтказилмоқда.**

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

# ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

25 октябр куни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида шу мавзуда матбуот конференцияси ташкил этилди. Анжуманда “Оила ва жамият” мухбири ҳам иштирок этиб, тадбир ташкилотчиларига қатор саволлар билан мурожаат этди.

– **Қандли диабет касаллигига қарши тадбирларга бу қадар катта эътибор берилаётганлигининг сабаби нимада?**

- Кейинги йилларда қандли диабет билан касалланиш ҳоллари бутун дунёда, жумладан республикамизда ҳам кўпайиб борганлиги тезкор чоралар кўришни талаб қилмоқда, – дейди республика Эндокринология илмий-текшириш институти директори, профессор **Саид Иброгимович Исмоилов.**

– Кўпинча касалликнинг бирламчи белгилари ҳақида етарли тушунчага эга бўлмаган кишилар “ўтиб кетади” қабилида иш тутишиб, вақтида шифокорга мурожаат қилмайдилар. Бу эса касалликнинг ривожланиб кетиши ва оғир асоратлар келтириб чиқаришига олиб келади.

Агар касаллик ўз вақтида аниқланиб, тўғри ташхис қўйилса ва тўғри даволанса беморлар, ҳатто болалигидан касал бўлганларнинг ҳам умумий аҳволи яхшиланиб, узоқ умр кечиришлари мумкин. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертларининг башоратларига кўра, агар қандли диабет билан касалланиш ҳозирги суръатларда давом этаверса, 2025 йилга бориб Ер юзида бу касаллик билан оғриганлар сони 350 миллион кишига етиши мумкин. Бу эса жуда катта рақамдир.

Қандли диабет яна шуниси билан хавфлики, агар ўз вақтида олди олинмаса ва даволанмаса, касалликнинг асоратлари ривожланиб, бемор иш қобилиятини йўқотиши, ногирон бўлиб қолиши ва энг ёмони унинг умри бир неча йилга қисқариши мумкин. Шунингдек, қандли диабетни даволаш ҳар қандай давлат тиббиётидан жуда катта маблағларни талаб қилади. Диабет оқибатида келиб чиқадиган ногиронлик эса ишчи кучининг камайиб кетиши, ногиронлар сафининг ортишига олиб келади. Оилада қандли диабет билан оғриган беморнинг бўлиши эса оила бюджетидан доимий равишда катта харажатлар қилинади деган гап. Кўриниб турибдики, қандли диабет келгусида фақат тиббий ёки ижтимоий муаммо эмас, балки ҳар қандай мамлакатда бутун давлат миқёсидаги муаммога айланиши мумкин.

– **Нима учун айнан 14 ноябр Халқаро диабет куни деб эълон қилинган?**

— Эндокринология илмий текшириш институти болалар эндокринологияси лаборатория мудири, тиббиёт фанлари доктори **Гулнора Раҳимова** бу саволга қуйидагича жавоб берди:

– Маълумки, диабет касаллигининг 1-турига учраган беморларда инсулин моддасига қарамлик кучли бўлади. Инсулин етишмаса, ҳужайраларга глюкоза кириб бора олмайди. Инсулин дорисини олимлар Бантинг ва Бест кашф қилишган. 14 ноябрь шу олимлардан бири—Бантинг туғилган кун. Диабет кунини белгилашда ана шу сана танлаб олинган.

– **Болалар орасида диабет касаллигига қарши курашда шу пайтгача нима ишлар қилинган?**

– Маълумки, болаларда диабет касаллигининг келиб чиқишига қўрқув, инфекцион хасталиклар, ирсий мойиллик кабилар сабаб бўлиши мумкин. Энг ёмони бу касаллик бугунги кунда инсон умрини қисқартирувчи хасталиклар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун диабетнинг олдини олишда қўлни қўлга бериб ҳамкорлик қилиш, одамлар эътиборини, касалликнинг келиб чиқиш сабабларига, оқибатларига кўпроқ жалб қилиш муҳим ўрин тутади. Шу маънода олиб қараганда матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг тарғибот олиб бориш катта фойда беради.

Шуниси қувонарлики, ҳали БМТнинг қандли диабетни давлат миқёсидаги муаммо деб қабул қилишга оид резолюциясидан анча олдин, яъни 2000 йилдан бошлаб республикамизда қандли диабетнинг 1-турига учраган болалар реестри юритила бошланди. Бунда касалликка учраган болалар рўйхати компьютер маълумот базасига киритилади, уларга эътибор кучайтирилади, дори-дармонлар ажратилади ва врач назорати оширилади. Бундай реестр юритила бошлагач, касалликка учраган болалар орасида оғир асоратлар, диабет оқибатида ўлим келиб чиқиши ҳоллари кескин камайди.

– **“Қандли диабет – ҳаёт тарзи” шиори остида ойлик ўтказишда қандай мақсадлар кўзланган?**

– Ушбу ойликни ўтказишдан мақсад, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари **Муаллам Мирумаровна Зуфарова,** – ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги олий ўқув юртлари, коллежлар, жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳарбий қисмларда белгиланган режа асосида давра суҳбатлари, семинарлар, ташкил этиш, спорт марафонлари ва шоу дастурлари уюштириш, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг тиббий билимларини янада оширишга мўлжалланган махсус ўқув курслари ташкил этишдир. Бу борада Хотин-қизлар қўмитаси ва республика Эндокринология илмий текшириш институти ҳамкорлигида иш бошлаб юборилган. Жумладан бугунги кунгача вилоятлардаги диабет марказларида 8135 та маҳалла маслаҳатчиларининг диабет борасидаги тиббий билимлари оширилди ва марказларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларини ўқитиш давом эттирилмоқда.

Тадбир давомида Наманган вилоятидаги эндокринология шифохонасида ташкил этилган “Диабет маркази” олиб бораётган ижобий ишларни ўрганиш ва тажриба алмашиш мақсадида республика семинари ўтказишни ҳам режалаштирганмиз. Шунингдек, аҳолининг турли тоифалари қандли диабет тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлиши, диабет билан оғришга мойиллик аниқланган кишилар гуруҳига касалликнинг олдини олиш учун нималар қилиш лозимлиги, касалланган кишиларда эса даволаниш осон бўлиши, касаллик асоратлари енгил кечиши учун нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги билимларни сингдиришга қаратилган тадбирлар ҳам режалаштирилган.

Бу эса, ўз навбатида, қандли диабет билан касалланиш камайишига, беморларда эса асоратлар кам бўлиб, улар ўз иш фаолиятларини узоқ вақт давомида сақлаб қолишига, табиийки умрлари узайишига, аҳолини соғломлаштиришга, келажак авлоднинг соғлом бўлишига кўмаклашади деган умиддамиз.

– **Касалликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларида аёлларнинг ўрни қандай?**

Хотин-қизлар қўмитаси Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси, акушер-гинеколог **Манзура Тўйчиева:**

– Республика Эндокринология илмий текшириш институти олиб бораётган ишлар диққатга сазовор. Уларнинг биз билан ҳамкорлигида катта маъно бор. Чунки хотин-қизлар-авваламбор опа, сингил, она, турмуш ўртоғидирлар, шу билан бирга улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол меҳнат қилаётирлар.

Биз улар орқали қандли диабет касаллигининг хавфи, унинг олдини олиш чоралари хусусида тарғибот олиб бораяпмиз. Албатта тарғибот бирор ўлчов бирлигида ўлчанмайди, унинг килограмми, метри ёки тоннаси бўлмайди. Лекин натижасини йиллар давомида сезиш, билиш мумкин.

Шу боис ҳам биз диабетга чалинишга мойиллиги бор тоифадаги кишилар орасида турмуш тарзини ўзгартириш, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолмасдан врач тавсияси асосида иш кўриб, фаол ҳаёт кечиришга интилишни, касаллика учраганларда эса тушкунликка тушиб ўтирмасдан қандли диабет касаллик эмас ҳаёт тарзи эканлигини мисоллар ёрдамида тушунтиришга, ўз соғлиғини ўзи асраш фалсафасини сингдиришга ҳаракат қилаяпмиз.

– **Матбуот конференциясида Халқаро диабет федерацияси вакили, координатор Кристиан Андрючик сўзга чиқиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:**

– 1991 йилдан бошлаб 14 ноябрь қандли диабет куни сифатида нишонланиб келади. Бунда аҳолининг диабет касаллиги ҳақидаги билимларини ошириш, касаллик кенг тарқалиб кетишига қарши ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилади. 2006 йил декабр ойида 143 мамлакат вакиллари иштирокида БМТ томонидан қандли диабет муаммосини давлат миқёсида ҳал қилишга оид резолюция қабул қилинди.

Мен “Қандли диабет – ҳаёт тарзи” шиори остида ўтказилаётган ойлик доирасида Эндокринология илмий текшириш институти ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишларни кўриб қувондим.

Менинг ўзим ҳам шу касаллика чалинганимга 20 йилдан ортиқ вақт ўтди. Кўриб турибсизки, қандли диабетни касаллик эмас, балки ҳаёт тарзи деб қабул қилдим ва фаол ҳаёт кечирмоқдаман. Таъкидлаш жоизки, диабет муаммосининг фақат тиббий эмас, иқтсодий жиҳатлари ҳам бор. Хусусан қандли диабетни даволагандан кўра унинг олдини олиш камроқ молиявий харажат талаб қилади. Шундай экан Эндокринология илмий текшириш институти ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда бошлаган ишлар мақтовга сазовордир.

**Норсафар ИМОМ**

# ҚАТЪИЯТЛИ ЗОБИТ, ОҚИЛА БЕКА



-Ёш ўсмир ўз ҳолича жиноят кўчасига кириб қолмайди,- дейди Тошкент вилояти, Оҳангарон туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаси профилактика инспектори, катта лейтенант Нилуфар Каримхўжаева. - Унинг бу йўлга қадам қўйишида оилавий муҳит таъсири бўлади, албатта. Ноқобил оиладангина жиноятчи бола етишиб чиқиши мумкин. Оилавий низолар, уруш-жанжаллар, носоғлом турмуш тарзи бола тарбиясига салбий таъсир этиши табиий. Бундай муҳитда ўсган бола қалбида атрофдагиларга нафрат уйғонади. Яшашдан кўнгли қолади, ҳаёти издан чиқади. Шу сабабли вояга етмаган фарзандлари бор низоли оилаларни ҳам ўз назоратимизга олганмиз.

Суҳбатдошим тўққиз йилдан буён ички ишлар тизимида фаолият кўрсатади. Шунингдек оналик, бекалик вазифасини ҳам ўрнига қўяди. Турмуш ўртоғи Хурсандбек ҳайдовчи. Камтар, меҳнаткаш, самимий йигит. Муҳими уни тушуниб, қадрлайди. Отабек ва Хуршидбек исмли ширинтой болалар бу тотув оиланинг қувончи, шодлиги.

- Ёш ва маъсум чеҳрангизни кўрган киши икки ўғилнинг онаси эканлигингизга ишонгиси келмайди,- дейман Нилуфарга...

- Келин қайнонага ўхшайди,- дейишади-ку. Қайнонам Файзинисо ая жуда дилбар аёл. Иккимиз ёнма-ён юрсак, бизни қайнона-келин эмас, опа-сингил деб ўйлашади. Улар мени ҳавас билан келин қилганлар. Орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қиляпман. Мен оилада тўнғич келинман. Етти йилдирки улардан фақат ширин сўз эшитиб келаман. Оиламизнинг тинч-тотувлиги қайнона-қайнотамнинг оқиллигидан деб биламан. Аҳил оилада улғайганман. Онам Эркиной опа ва отам Муҳаммаджон акалардан ҳам ҳамиша миннатдорман. Қудалар меҳр оқибатли бўлишса, ёш оилалар мустаҳкам ҳам бўлади,- дейди Нилуфар.

**Райхон САЛАЕВА**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

**Қонун ва биз**

# ҲУҚУҚИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бир куни иш хонамга йигирма-йигирма икки ёшлар чамасидаги йигит кириб келди. У отаси бундан ўн беш йиллар олдин вафот қилганлигини, унинг номида эса бир турар жой қолганлигини, шуни укалари билан мерос сифатида қабул қилмоқчи эканликларини айтди. Мерос мулкининг қабул қилинишига йигитча қўрққан бир сабаб бор эди. У ҳам бўлса, бу турар жойда унинг амакиси ўз оиласи билан яшарди. Мен бу воқеанинг тагида яна қандайдир воқеа борлигини фаҳмлагандай бўлдим. Йигитга у отасининг биринчи навбатда қонун бўйича меросхўри эканлигини тушунтириб, зарур ҳужжатларни тайёрлаб, бизга тақдим қилиши лозимлигини айтдим.

Йигитнинг онасидан ҳам ариза олишим лозим эди. Воқеанинг асл моҳияти ана шундан кейин ойдинлашди. Ёшига нисбатан жуда қари кўринган, ранглари сарғайиб кетган муштипар она хонамга кириб келди. Аёл мен таклиф қилган стулга ўтирди ва: “Опа, илтимос, сиз болаларимга тушунтиринг, улар менга қулоқ солишмаяпти, бизга бу уй керак эмас”, деди. Шундан сўнг аёл ўз бошидан ўтганларини гапириб берди.

Эри билан тўрт ўғилни дунёга келтириб яхши яшашаётган экан. Аммо эр биринчи ўғли 5-6 ёшлар пайтида ўзини осган. Шу заҳоти эрнинг ота-онаси, қариндош-уруғларига хабар берилган. Уруғаймоқ йиғилишиб бундай фожеали ўлимга аёлни айбдор деб топганлар ва шу заҳоти аёлни тўртта ўғли билан бирга қўшиб ҳайдаб чиқаришган. Аёл қаёққаям борарди, ота уйига борган. Фарзандининг бу аҳволини кўрган ота-она унга кичкина бир уй қуриб беришган. Эри билан бирга яшашган уйда эса қайнукаси яшай бошлаган. “Мен бу уйга қайтиб бормасликка аҳд қилганман. Агар бу уйда болаларимнинг ҳақи бўлса ўзлари олсин, ўзлари яшасин, мен бунга аралашмайман”, дейди аёл. Мен унга болалар ҳам, ўзи ҳам бу уйга нисбатан мерос ҳуқуқига эга эканликларини қанчалик тушунтирмай аёл ўзининг умумий мулк қисмидан ва мерос улушидан воз кечиш тўғрисида ариза ёзиб кетди. Мен ҳам ўз навбатида барча ҳужжатлар тайёр бўлгандан кейин бу турар жойга нисбатан тўртта ўғилни меросхўр деб топиб, тенг ҳиссали равишда мерос мулкини бўлиб бердим.

Ана шундан кейин қизғин “жанг” бошланди. Орадан бир ойлар чамаси ўтгандан кейин уйда яшаб турган амаки ушбу турар жойга нисбатан берилган мерос тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ва ўзига нисбатан мулк ҳуқуқи бериш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция суди буни кўриб чиқиб даъвони қаноатлантиришни рад қилди. Кассация тартибида кўрилаётган суд мажлисига мени ҳам таклиф қилишди. Бу ерда ўтирганларга қараб ҳайрон қолдим. Бу турар жой учун нималар дейишмади, қандай ҳаракатлар қилишмади. Кексайиб қолган бир онахон ҳам гувоҳ сифатида борибди. У бу уй вафот қилган ўғилники ҳам эмас, ҳозир унда яшаб ўтирган ўғилники ҳам эмас, балки уники эканлигини даъво қилди. Келин бу уй учун ҳеч қандай меҳнат қилмаганлигини айтиб, у билан тилим бирлигида мени ҳам айблаб ўтди. Лекин барибир адолат қарор топди. Юқори инстанция суди давлат нотариусининг ҳаракатини тўғри деб топди ва нотариал ҳужжат бекор қилинмади, даъво рад қилинди.

Тўғри, бу воқеа бўлиб ўтганига анча йиллар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди. Ҳозир шу йигитларнинг бири олдимга келиб салом берса ҳам танимайман, ҳатто исмлари ҳам эсимда йўқ. Лекин энг қувонадиган ерим бор, у ҳам бўлса адолат қарор топди.

Мен бу воқеани ёзишга жазм қилишимдан мақсад, адолатсизлик тўғрисида кўпириб гапирганларга бир сабоқ бўлсин, дедим. Шу йигитлар фақатгина биринчи инстанция судида қатнашиб, иккинчи инстанцияда қатнашишга бора олмадилар. Сабаби, оналари касал бўлиб қолди. Лекин барибир фуқаролик иши уларнинг фойдасига ҳал бўлди. Чунки уларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқи бор эди ва уни топташга қонун йўл қўймади.

Давлат қонун йўли билан ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ўз навбатида ҳар бир фуқаро ҳам давлат томонидан қонуний мустаҳкамланган ҳуқуқи учун курашиши, ўз бурчи ва мажбуриятини яхши англаган ҳолда ҳаёт кечириши лозим.

**Равия РАДЖАПОВА,**
**Қорақалпоғистон республикаси Элликқалъа туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси.**

# ҚИЗ БОЛАДА БЎЛМАСА ҲАЁ...

Қўқоннинг Чорсу мавзеси ҳар сафаргидек гавжум. Биз бир сўрига келиб жойлашишимиз билан сўрининг нариги чеккасига иккита қиз келиб ўтирди. Чой ичаётиб уларга разм солдим. Агар бўлса, иккита яхши йигитни бахтли қила оладиган қизларга ўхшайди. Орадан бироз вақт ўтиши билан қизларнинг биттаси менга тикилиб, нимадир демоқчи бўлди.

- Қаердансизлар, тоға?

- Нимайди, - дейман уларга.

- Ҳар ҳолда бу ерликларга ўхшамайсизлар, - дейди иккинчиси.

- Тошкент томонлардан...

- Меҳмон экансизлар-да, сизлардан ёрдам сўрамоқчи эдик.

- Қанақа ёрдам керак? - ҳушёр тортиб қарайман қизлар томонга.

- Уйимиз узоқда, Бувайда томонларда, кетолмаяпмиз...

- Бувайда мана бу ердаку, аксирсангиз аксангиз етади, пиёда кетиш ҳам мумкин.

Қизлар индашмай, бир-бирларига сирли боқишди. Уларни дастурхонга таклиф қилдим. Ийманмасдан яқинроқ келишди. Қора чой ичишмас экан, жияним дарҳол кўк чой олиб келди.

- Бизга ёрдам беролмайсизми, амаки? Кўп керак эмас, атиги беш юз сўм бўлса, уйимизга етиб олардик, - дейди қизларнинг сариқроқдан келгани.

- Овқатланиб олинглар, беш юз сўм бўлса, бир гап бўлар, - дедим уларга. Бироз туриб уларнинг қулфи дилига калит солдим:

- Нима қилиб юрибсизлар, Қўқонда? Кўринишдан яхшигина қизларга ўхшайсизлар...

- Исмим Холбуви, - дейди ёнимда ўтиргани, - буники - Анорхон.




Иккинчи қизга қарадим: Анорхон деганича бор экан, пешонаси қизилроқ, аммо ўзига ярашиб турган майда сочлари буни бироз беркитиб турибди...

- Иш ахтариб Қўқонга келгандик, бир киши Бувайдага борсаларинг яхши иш бор, ошхонада идиш-товоқ ювасизлар, овқат ташийсизлар, кунига тўрт минг сўмдан тўлайман, деганди, унга ишониб, уйдагиларга айтмасдан келгандик, - дея ҳикоясини бошлади Холбуви. - Келиб уни топдик, аммо бизни ошхонагамас, Ғиштқўприкдаги бир маҳаллага олориб, бир уйга қамаб қўйди. Икки кундан сўнг Тошкентга олиб бориб, қўйлиқлик бир хотинга топширди. У хотин бизни Қўйлиқдан узоқроқ жойга бир уйга олиб борди.

Орадан икки кун ўтгач, ўша аёл келди. “Энди сиз Амирликка борасизлар, Холмурод акадан сизларни икки юз долларга сотиб олганман”, деди. Эртаси куни бошқа бир аёл келиб, бизни ўз уйига олиб кетди. У ердан қочиб кетдик. Бошқа бир аёл Олой бозори, деган жойда бизга раҳмдиллик қилиб уйига олиб борди. Ўша ерда бир кун тунадик. Аёл бизга пул топиб бермоқчи, шу билан уйимизга қайтармоқчи бўлди. Ўша кечаси иккита маст йигитни бошлаб келди... Уриш, тўпалон, жанжал... қичқириғимизни биров эшитмади. Хуллас... иккимизнинг ҳам иффатимиз поймол бўлди.

Эрталаб бир амаллаб қочиб чиқдик. Бир тийинсиз Қўйлиққа келдик. Қани энди ҳамшаҳар ҳайдовчилар олиб кета қолишса... Улар ҳам ё пул сўрайди, ё... Катта бир юк машинасининг юкхонасида аранг Қўқонга етиб келдик. Кечадан бери туз тотганимиз йўқ, амаки, беш юз сўм бера қолинг, уйимизга етиб олайлик...

Наҳотки, қизларнинг гаплари рост бўлса?! Яхши, уларни ўша қўқонлик киши ишга таклиф қилибди, нега уйдагиларига айтмасдан йўлга чиқишган? Тошкентга ҳам уларнинг оёқ-қўлларини боғлаб олиб боришмагандир? Ниҳоят, Олой бозоридаги аёл... Нега ички ишлар бўлинмасига эрталаб хабар қилишмаган? Нега, нега, нега?

- Анорхон, - дедим унга синчков қараб. - Тўғрисини айтинглар, наҳотки шу гаплар рост бўлса? Агар тўғрисини айтиб, ҳақиқатан ҳам уйга кетмоқчи бўлсаларинг беш юз эмас, беш минг сўм бераман, мана пул...

- Ростданми! - деб юборди бирдан севиниб, қўлимдаги беш минг сўмга суқланиб қараб Холбуви. - Балки хожатингизни чиқарармиз, яхшигина жой бор...

Ана энди улар ниқобларини очдилар!

- Тўғрисини айтинглар, ота-оналаринг, уйларинг борми? Мана беш минг сўм қўлимда, паспортларингни кўрай-чи! - Анорхон кир босган сумкасидан иккита паспорт олиб қўлимга берди. Бу ҳужжатлар уларнинг шахсини тасдиқларди. Ғазабдан титраб кетдим. Агар уларга ҳозир пул берсам... олади-ю яна бошқасига бориб пул илинжида “дафтарини очади”. Машойихлар: “Қиз болада бўлмаса ҳаё, қора либос кияди дунё!” дея рост айтишган экан.

- Менга қаранглар. Ҳозир мен билан ё милицияга, ёки уйларингга борасизлар. Ўзларинг танланглар. Лекин қочаман, деб ўйламанглар.

- Нима бало, мелисамисиз? - дея ўрнидан турмоқчи бўлди Холбуви. Ҳайдовчи жияним билан бирга иккаласини машинага етакладик.

- Қани, машинага, - шиддатлироқ буйруқ бердим қизларга.

Назаримда улар мени формасиз ички ишлар ходими, деб ўйлашди шекилли, индамай машинага ўтиришди. Бувайдада Анорхонларнинг уйини топиш унча қийин бўлмади. Ичкаридан бироз қарироқ лекин истараликкина аёл чиқди.

- Шу сизнинг қизингизми, опа? - дея сўрадим.

Аёл уввос солиб Анорхонга ёпишди, йиғлади, қучоқлаб бошларини силади, менинг борлигим эсидан чиқди, ҳатто...

- Беш ойдан бери қайларда юрибсан, бебош, бошимизга не-не кулфату исnодларни солмадинг...

Анорхон индамай ерга қараганича пиқиллаб йиғлайди. Шу аснода кўчанинг нариги бетидан бошқа бир кампир ҳаллослаб югуриб келди. Холбувини унга топширдик. Бувиси экан. Йиғи-сиғи, ҳам қарғиш, ҳам олқиш...

- Бўлиб ўтган воқеаларни “Оила ва жамият” газетасига ёзмоқчи эдим, нима маслаҳат берасизлар? - дея юзланаман шу можаро устига келган Лобархон деган аёлга.

- Сизга аввало раҳмат, ака, - деди Лобархон. - Лекин номларини ўзгартириб ёзсангиз, зора бошқаларга ўрнак бўлса. Оқибати нималарга олиб келишини ўйламай қадам босган бебош қизларнинг тақдири зора ўзгаларга сабоқ бўлса...

Йўлда жияним машинада кетаётиб, мендан бироз ранжиди:

- Қизиқсиз-да, тоға, нима кераги бор эди, шу қизларни уйига олиб келиб, юрса юравермайдими санқиб, сизга нима?

- Шу ишни мен қилмасам, сиз қилмасангиз, бошқа биров қилмаса, бу икки қизнинг кейинги тақдири нима бўлади? Улар ҳам одам, улар ҳам жамиятимиз учун фойда келтирадиган, тўғри йўлни тутган, ҳаётда оқилона ўрнини топиб олган одам бўлиши керак...

Уйга толаман: Бу икки қизнинг уйидан чиқиб кетганига беш ой бўлади-ю, лекин ҳеч ким изламайдими? Ахир одам игна эмаску, тушган жойида йўқолиб қолса?.. Оналари-ку қариб қолган экан, ночор яшаркан, маҳалла-кўй, қариндош-уруғлари қаёққа қарашди экан? Маҳалладаги маслаҳатчи опахонлар-чи? Қолаверса, бувайдаликлар жуда ориятли халқ эди-ку!

Хулосани ўзингиз чиқаринг, муҳтарам муштарий.

**Мўмин ҚАЮМ,**
**журналист,**
**Қўқон-Оҳангарон.**

# НЕГА ЁМОН БЎЛДИМ?..

Ҳорғин, йиғлагани кўзларидан билиниб турган аёл хонамга кирди. У сўрашгач, дардларини “тўка” бошлади.

- Исмим Наргиза. Бир ўғил, икки қизим бор. Ҳарбий офицерга турмушга чиққандим. Турмушимиз жуда яхши эди. Меҳридин акам мени ҳам, болаларимни ҳам жуда яхши кўрарди. Топиши яхши, рўзғоримиз бут эди, Чирчиқ шаҳридаги микрорайонлардан бирида яшардик. Турмушга чиққаним боис институтни тўртинчи курсдан кейин ташлаб кетгандим. Менга оилавий ҳаёт, болаларимни тарбиялаш, улар билан сайр қилиш жуда ёқарди. Хуллас, бахтли эдим. Бир куни эрим навбатдаги ҳарбий техникани синаш учун синов майдонига кетди. Мен болалар билан ёлғиз қолдим.

Шу куни туни билан уйларни тозалаб, эримга ёқадиган пишириқларни пишириб қўйдим. Барча кийимларини ювиб, дазмоллаб тартибга келтириб қўйдим. Бу ишларни қиларканман юрагим тобора ғаш бўлиб борар, мен эса ўзимни чалғитишга уриниб уйдан ўзимга юмуш топишга уринардим. Шу куни киприк қоқмасдан тонг оттирдим. Бу ҳаётимдаги бахтли кунларимнинг энг сўнггиси экан...

**- Бирор фалокат юз бердими?**

- Оҳ, фалокат бўлганда ҳам ҳаётимни остин-устун қилиб юборадиган ҳалокат юз берган экан... Эрим тунги синовда ҳалокатга учрабди. Унинг қонга бўялган жасадини олиб келишганда ўзимни йўқотдим. Кўзимни очганимда эса ҳовлимиздан эримнинг жасади солинган тобутни лопиллатиб олиб чиқиб кетишарди. Инсон ҳамма нарсага чидар экан. Айриликка ҳам кўника бошладим. Лекин мени олдинда ҳали кўплаб муаммолар кутаётганини билмаган эканман.

**- Қандай муамоларни айтаяпсиз?**

- Эримнинг маъракалари ўтгунча ҳам пулдан камчилик кўрмадим. Унинг ишхонасидан берилган ёрдам пулларининг ҳам таги кўриниб қолди. Мен эса ҳеч қаерда ишламаганман. Нима қилишни билмай қолдим. Бунинг устига биз яшаб турган уйимиз ҳам ҳарбий хизматчиларники бўлгани учун эримнинг ўрнига ишга келган йигитнинг оиласига уйни бўшатиб беришим керак экан. Шундай қилиб уч боламни олиб онамнинг уйига қайтдим.

Бу ерда эса онам яшаб турган уйимизнинг ярмини сотиб юборибди. Уч болам билан менга каталакдек битта хонани берди. Кейин иш топиш ҳаракатига тушдим. Катта қизим эса ўқишга бориши керак эди. На кийими, на бир дафтар-китоби бор.

**- Онангиз ёрдам бера олмадими?**

- У пенсия олар, бунинг устига касал эди. Излай-излай иш топа олмаган куним уйга келиб роса йиғладим. Болаларимни қандай боқишни ўйлаб бошим қотарди. Бир куни кутилмаганда эшик тақиллаб қолди. Очсам эрим билан бир қисмда хизмат қиладиган Асқар ака деган майор экан.

Тўғриси ҳам хурсанд бўлдим, ҳам уялдим. Чунки, олдига нондан бошқа нарса қўя олмасдим. У эса сумкасидан турли-туман озиқ-овқатларни олиб дастурхонга тўкди. Кейин гаплашиб ўтирдик. У Тошкентга иш билан келганлигини айтди.

Шундан сўнг Асқар ака бизникига тез-тез келиб турадиган бўлди. У ҳар гал келганида пул, озиқ-овқат ташлаб кетарди. Кейинчалик трамвайлардан бирида чиптачи бўлиб ишлай бошладим. Арзимаган ойлик олардим. Бу орада онам ҳам вафот этди. У дардкошим, маслаҳатгўйим эди. Анчагача ўзимга кела олмай юрдим. Ҳаётимдаги иккинчи йўқотишга ҳам аста-секин кўникдим, бошқа иложим ҳам йўқ-да.



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Асқар ака эса келишини канда қилмас, унинг берган пуллари билан сира қийналмай яшардик. Аммо, бир гал болаларим ётоқхонамдан чиқиб келаётганини кўриб қолишгач унга ола қарай бошлашганди. Мен уларга арзимаган маошим билан уларни яхши кийинтириб, едириб-ичира олмаслигимни айта олмасдим.

Қизим мактабни битиргач, отасининг суратини катта қилдириб келиб, меҳмонхонамизга осиб қўйди. Ўзининг ва укаларининг хонасига ҳам худди шундай сурат илиб, Асқар аканинг келишидан норозилигини намойиш қилди. Ўғлим эса бир куни менга:

- Бизга у киши бераётган садақалар керак эмас, энди у уйимизга келмасин. Уни ёмон кўрамиз, бошқа у билан гаплашмайсиз... Ўзимиз ишлаяпмиз, сизни ўзимиз боқамиз, - дея шарт қўйди.

**- Болаларингиз мактабда ўқишса, сизни қандай боқишади?**

- Уларнинг бири новвойга, яна бири эса сомсачига шогирд бўлишган. Уч-тўрт сўм олиб келишади. Яна нон-пон, сомса дегандек. Уйга бегона одамнинг келганини ёқтиришмагани учун болаларим ёш бўлишса-да, шундай қилишга мажбур бўлишдими, деб ўйлайман. Уч болам ҳам муаммоларини ўзаро ҳал қилишиб, бир-бирларига ёрдам беришади. Мен эса бир четда қолиб кетаётгандекман...

**- Асқар ака билан муносабатингизни узсангиз бўлмайдими?**

- Мен буни яхшиликча ҳал қилмоқчи эдим. Лекин мен йўғимда келган экан. Болаларим роса ҳақорат қилишиб, уйдан ҳайдашибди. Шу-шу келмайди. Мен эса уйда ортиқчадекман. Улар ўзлари овқат пиширишиб, ўзлари кир ювишади. Менинг кийимларимни бир четга ажратиб қўйишади. Овқат пиширсам секин бир четга суриб қўйишиб, чой ичишади. Мен Асқар ака билан болаларим оч-наҳор қолганда, ишсиз қолган пайтларимда у ёрдам бергани учун учрашишга мажбур бўлганман. Ахир болаларим у келтирган ширинликларни маза қилиб ейишарди. Ўйинчоқларни ўйнашарди. Нима қилай, эримдан бевақт айрилмаганимда бошимга шу ишлар тушмасмиди? Энди болаларим мени ёмон кўриб қолишганини тушундим. Баъзан уйдан бош олиб кетсаммикан? - дейман. Қани энди, болаларим менга аввалгидек талпинишса, мени яхши кўришса?

**Наргизахон! Фарзандларингиз олдида Асқар ака билан ошкора учрашиб, айниқса ўз уйингизда, нотўғри иш қилгансиз. Ҳар қалай онангиздан қолган уй бор экан. Кўчада қолмагансизку! Касбингиз бўлмаса ҳам ҳеч бўлмаса, фаррошлик қилишингиз ёки бирор ҳунар ўрганиб тирикчилик қилишингиз мумкин эди. Аммо, энди ўтган вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Болаларингизнинг кўнглида сизга нисбатан нафрат пайдо бўлишингизга ўзингиз сабабчисиз.Шундай бўлсада, уйингиздан кетишни ўйламанг. Яхшиси фарзандларингиздан кечирим сўранг. Кейинги ҳаётингизни, бор меҳру муҳаббатингизни болаларингизга бағишланг. Уларнинг кўнглидаги нафратни меҳрга айлантириш ўз қўлингизда.**

***Азиз мухлис! Наргизага, унинг фарзандларига сизлар қандай маслаҳат берган бўлардингиз? Мактубларингизни кутамиз.***

**ГУЛБАШАКАР**

# УНГА ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ!

- Менга бир йигит севги изҳор қилиб ҳеч тинчлик бермайди. Мен уни ёқтирмайман. Ишга кетишимда ҳам, қайтишимда ҳам лип этиб, қаршимда пайдо бўлаверади. Бирорта таниш йигит билан саломлашганимни кўрса бас, у билан ёқалашади. Кўчага чиқишга безиллаб қолдим. Ишонасизми, баъзан тушимга ҳам кирадиган бўлди. Унга неча маротаба: “Сени севмайман, севолмайман”, деб айтсам ҳам йўқ, соядай эргашгани-эргашган. Ундан қандай қутулсам бўлади-а? - дейди телефонда бир қиз.

- Синглим, ўша “Мажнун” йигитни сўраб-суриштирингчи, балки сиз ёқтирмас даражада ёмон йигит эмасдир.

- Унинг оила аъзоларини, туриш-турмушларини биламан. Ота-онаси обрўли инсонлар. Яшашлари ҳеч кимдан кам эмас. Лекин мен ота-онаси, оиласидагилар билан яшамайман-ку. Уни ёқтирмасам нима қилай?

- Биласизми, сизга фикр-мушоҳада қилиб кўришингиз учун бир гапни айтсам тушунармикансиз. Ёшингиз нечада?

- Мартда 19га тўламан.

- Унда айтсам бўлаверади. Биласизми, агар кўнглингизда бошқа йигит бўлса унга очиқ-ойдин айтинг. Сиз унга умид қилиши учун имкон қолдираётгандирсизки, эргашиб юрган. Йўқса бунақа бўлиши мумкин эмас. Ота-онаси, оиласи яхши бўлса ўша “Мажнун”ингизга яхшироқ разм солинг. Сиз юқорида “Ота-онаси билан яшамайман-ку”, деб айтдингиз. Одам яхши яшаши учун фақат севгининг ўзи камлик қилади. Ўша севгини қуршаб турган муҳит ҳам яхши бўлиши керак. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз қиз узатиш, ўғил уйлантиришда унинг етти пуштини суриштиришган.

Ақл доирасидан чиқмаган ҳолда ўша йигитга лоқайд бўлманг. Бу ҳақда онангизга айтишга уялсангиз, бирор яқинларингиз орқали гапнинг учини сал чиқариб қўйинг, у ёғини онангиз эплаштиради.

- Бу гапдан унинг оила аъзолари-ю, менинг ота-онам ҳам хабар топишган. Яқинда синглиси: “Акам сизни деб ақлдан озаяпти, икки марта ичиб келиб йиғлади”, дейди. Бу гапни эшитиб унга раҳмим келди. Нимага у менинг севмаслигимни тушунмайди?

- Синглим, сиз унга қандайдир илинж қолдираётгандирсизки, у сиздан умид узолмаяпти. Унга раҳмингизнинг келгани яхшилик аломати. Агар унинг оила аъзолари, ўзи ота-онангизга маъқул бўлса, сиз ҳам ўйлаб кўринг. Меҳр кўзда бўлади. Ўша “Мажнун”ингизнинг кўзларига қаранг, у

*Қўнғироқларингиз...*

ҳам сизга тикилсин, чеккадан туриб маслаҳат берган бошқа, юзма-юз бўлган бошқа. Шундай йўл тутсангиз сиз муаммо деб атаган бу бир ёқлама муҳаббат ечим топади. Аслида ҳам муҳаббат бир юракда аланга олиб, иккинчи юракни ҳам алангалатади. Ўша йигит изтироб чекса-да, дунёдаги энг бахтиёр йигитлардан бири. Муҳаббат оловида ёнишни ким ҳам истамайди дейсиз. Кошки муҳаббат олови ҳамма юракни ёндирса, шу қаторда сизни ҳам...

# ПУШАЙМОНМАН...

- Яқинда 18 га кираман,-дея сўз бошлади қўнғироқ қилаётган қиз ўзини Нигора деб таништиргач. Яхши оила фарзандиман. Ўзимга яраша чиройим бор. Аҳмад исмли йигитни учратиб қолдиму, ҳаловатим йўқолди. Биз тез-тез учрашиб турардик. Биз ҳақимизда ўқиш жойимизда ҳар хил гаплар тарқалди. Аммо, арзимаган бир сабаб туфайли орамизда низо чиқди. Унинг жаҳлини чиқариш, рашкини қўзғатиш мақсадида кетимдан юрган йигитлар билан гаплаша бошладим. Бундай қилиқларим табиийки, унинг ғашига тега бошлади. Мана энди ҳеч ким билан гаплашмай қўйдим. Яқинда Аҳмад менинг олдимга келиб ҳали ҳам мени севишини, бўлиб ўтган воқеаларга қарамасдан кўнгил узолмаётганини айтди. Аммо менинг хатти-ҳаракатларимдан гумони борлигини ҳам яшириб ўтмади. Гумони нима эканлигини сўраганимда... У менга...-“Сенинг ор-номусинг жойидами, покмисан?”- деб савол берди. Мен бу гапдан қотиб қолдим. Ўзимни қўлга олганимдан сўнг, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ор-номусимни асраб-авайлаб келганимни тушунтирдим. Менинг гапларимга у ишондими, йўқми билмадим. Бу ёғи унинг виждонига ҳавола. Лекин жуда ҳам қийналиб кетдим. Тўғри, мен ёшликнинг орзу-ҳавасларига берилиб ўткинчи, ўзимга муносиб бўлмаган йигитлар билан гаплашдим. Лекин ақлу-ҳушимни йўқотадиган даражада ўзимни унутиб қўймадим. Чегарадан чиқмадим. Мен қилиб қўйган ишимдан пушаймонман. Лекин энди бу хатоларимни тузатсам, яна аввалгидек унинг учун покиза муҳаббат эгасига айлана олармиканман?

***Азиз газетхон, Нигора ўзини қийнаётган саволларга Сиздан жавоб кутаяпти. Ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.***

**НОДИРА**

Акс-садо



**“Оиламни измимга соламан, деб...”-23-сон**

**ЭСЛАТМА: 25 йил уйим-жойим деб елиб-югурдим. Аммо, хотиним бирор марта яхши, ҳурмат билан муомала қилмаган. На уй, на болалар тарбияси билан иши йўқ. Қайнонамга бу ҳақда айтсам: Ўзинг ландовур бўлсанг, хотининг нима қилсин?-дейди. Болаларим эса онасининг измида. Нима қилсам экан?**

**Муаллиф: Умрбек ака**

# ХАТОНИ ЎЗИНГИЗДАН ҚИДИРИНГ!

Умирбек аканинг дил изҳорларини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Оила қуриб яшаётганига йигирма беш йил бўлибди. Менинг уйланганимга эса яқинда йигирма етти йил бўлади. Агар кечроқ уйланган бўлса, балки мендан каттароқдир. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Менинг мақолани қайта-қайта ўқишимга ундаган нарса ундаги воқеълик.

Қизиқ, дунёда нималар бўлмайди. Мен ҳатто бу дил изҳорини ишхонамиздаги ёши улуғ, мулоҳазалироқ аёллар билан ҳам маслаҳатлашиб, муҳокама қилиб кўрдим. Ким билан маслаҳатлашмай, деярли бир хил фикр билдиришди.

Умирбек ака баъзи бир маълумотларни ёзмаган. Лекин шунга қарамай, дил изҳорини ўқигандан кейин кўп нарсаларни англаб олиш қийин эмас. Оиладаги муҳитдан шу нарса англашиляптики, аввало оилада диний тарбия йўлга қўйилмаган. На эр, на хотин, на фарзандлар ислом дини, шариатамиз қонун-қоидаларини, амалларини тушунишади. Агар тушунганларида фарзандлар отани, хотин эрни бунчалик беҳурмат қилиб қўймаган бўлишарди.

Тушунишимча, янгамиз бадавлат оиланинг қизи бўлган, яъни айтмоқчи бўлганим, бу ерда “Тенг-тенги билан”... ҳаёт принципи бузилган.

“Яқинда хотиним янги машина олди. Машинани ўғлим ҳайдаяпти. Унда менинг ҳақим йўқ»-деб ёзганларидан ҳам билса бўладики, бу оилада оила бюджети бир жойда йиғилмайди. Эрнинг топгани алоҳида, хотиннинг топгани алоҳида. “Эр-хотин - қўш хўкиз”, дейилади халқимизда. Қачонки, уларнинг топгани ўртада бўлмас экан, бундай оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлишига умид қилмаса ҳам бўлади. Ахир ишонч бўлмаган жойда, оила бўладими?

Энди эр-хотин иккаласи ҳеч қачон тинч ўтириб, бирор ишни маслаҳатлашиб ҳал қилолмаслиги масаласига келсак, бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Фикри ожизимча, улар янги оила қурган пайтларида ҳам бирон-бир масалани бамаслаҳат ҳал қилишмаган бўлсалар керак. Ўша пайтларда ҳам хотин эрини менсимаган. Мен юқорида халқимизнинг “Тенг тенги билан...” деган мақолини бежизга эсламадим.

Шу ерда турмуш қуриш остонасида турган ёшларга икки оғиз насиҳат қилмоқчиман. Аввало турмуш қуриш масаласига енгил-елпи қараманг. Имкон қадар ўз тенгингиз билан умр риштасини боғлашга ҳаракат қилинг. Ҳеч қачон бўлажак рафиқангизнинг ёки қайнота-қайнонангизнинг бойлигига, ваъда қилган квартираси-ю, машиналарига учманг. Бундай ҳадялар аксарият ҳолларда таънаю маломатли бўлади. Кейинчалик бир-икки фарзандли бўлиб, улар сизга ота-онангиздай, сиз эса уларга куёв эмас, ўз фарзандидай бўлиб қолганингизда бунинг йўриғи бошқа. Ҳаммани ҳам шундай кунларга етказсин. Йигитдир, қиздир ўз пешонасига, дасткорига берганидан қўймасин. Ортиқча бойиб кетмасанг ҳам ўз ҳалол топганингга, ўз тинч оилангга эга бўлганга нима етсин. Ўшанда хотининг ҳам, фарзандларинг ҳам ҳурматингни жойига қўйишади. “Оч қорним, тинч қулоғим”, деб топганингга қаноат қилиб, бутун оила бир бўлиб, оила аравасини тортганнинг завқи бўлакча. Бундай оилаларда тарбия топган фарзандлар ҳам ота-онаси қанчалик ҳаракат қилиб, оила бешигини тебратаётганларини ўз кўзлари билан кўриб, керак бўлса ота-онасига озми-кўпми ёрдам бериб улғайишади. Бундай фарзандлар ота-онага меҳри бўлакча бўлади. Меҳнатнинг, ота-онанинг қадрига етадиган бўлишади.

Умирбек акага айтадиганим эса, Оллоҳ сизга сабр-тоқат берсин. Сиз айбни кўпроқ ўзингиздан қидиринг. Оилангизнинг бундай бўлиб кетиши, фарзандларингиз сизни менсимаслиги, хотинингиз сизни эр ўрнида кўрмаслиги... Бу муаммо, балки кеча ёки бугун пайдо бўлмагандир? Булар ҳаммаси ўша ўзингиз ёзган йигирма беш йиллик биргаликдаги турмушнинг аччиқ мевалари бўлмасин, тағин? Яхшироқ мулоҳаза қилиб кўринг, балки илгарилари улар сизни ҳурмат қилишгандир? Кейинчалик сиз бирор хатога йўл қўйгансиз ва шу билан оилада ўз ўрнингизни бериб қўйгандирсиз? Кўпинча шундай бўлади. Ўртага хиёнат аралашади. Ҳамманинг сиздан кўнгли қолади. Бундай ҳодиса, айниқса, фарзандлар тарбиясига қаттиқ таъсир қилади. Улар сизни ота ўрнида кўрмай қўйишади. Сиз билан ҳисоблашмай қўяди. Бу шунчаки бир тахмин. Лекин ростдан ҳам шундай воқеа бўлиб ўтган бўлса, хатоингизни тушунганингизни айтиб, хотинингиздан, фарзандларингиздан кечирим сўранг, ҳаммаси яхши бўлади.

Яна бир тахмин. Менимча, сиз ҳеч қаерда ишламай, уйда ўтириб, хотинингиз пул топса керак. Ўзи пул топмай, яна бўлар-бўлмасга аралашаверадиган эркак кимга ҳам ёқарди. Хотинингиз, фарзандларингиз менсимагани етмагандай, қайнонангиз ҳам сизни катта куёвим демай, беҳурмат қилиб, қизи билан бир бўлиб уйдан кўчага чиқариб қўйиши, мени шундай деб ўйлашга мажбур қилаяпти. Ахир куёвни пайғамбарлар ҳам сийлашган. Айниқса, катта куёв, одатда ўғил ўрнида бўлади.

“Мен ҳам ўта тажанг, бир ишни охирига етказмагунча қўймайдиган, бемаҳал ётган, бемаҳал юрган одамни кўрсам, фиғоним фалакка кўтариладиган одамман. Дангасаликни, тартибсизликни, одобсизликни кўрсам, тинч туролмайман. Ноҳақликка, субутсизликка жим қараб туролмайман. Тилим жуда аччиқ. Ҳақиқатни бетига айтаман...” - деб ёзгансиз ўзингиз ҳақингизда. Агар чиндан ҳам шундай бўлсангиз, унда нима сабабдан шунчалик қаттиққўллигингиз билан оилангизда интизом ўрнатолмадингиз? Хотинингизни, фарзандларингизни нега бўш қўйгансиз? Сизга, оилангизга жуда ачинаман. Уйингиздан фаришта кўтарилган. Бундай оилалар, отанинг улуғлигини билмайдиган бетарбия фарзандлар жамият учун ҳам хавфли.

Қайнонангиз айтмоқчи, элликдан ошган хотинингизни балки йўлга солиб бўлмас. Оллоҳни таниганида ҳаммаси бошқача бўларди. Ҳар нима бўлганда ҳам, фақат яратгандан инсоф тиланг. Балки Оллоҳ дилига солса, охиратини ўйлар. Эрнинг ижозатисиз остона ҳатлаб кўчага чиқиш катта гуноҳлигини тушуниб етар.

Фарзандларингизга айтадиганим, бу дунё қайтар дунё дейдилар. Отанинг дуосини олмаган фарзанд, бойлиги ошиб-тошиб кетганида ҳам қаергача борарди. Маҳалла катталари шу нарсаларни ётиғида, ўртага олиб тушунтиришса, балки фойдаси бўлар. Агар отангиз ёмон бўлган тақдирда ҳам, яхшисини қаердан оласиз. Отага зорлар қанча... Отангизни хор қилманг. Кейин пушаймон бўласиз. Нима бўлганида ҳам отангиз сизларни ўйлаб, куйиб-пишаяпти. Ёшлик қилиб бирор ножўя ишга қўл уриб қўйишмасин, ёмон ишларга аралашиб қолишмасин, деб ташвишланаяпти. Отангиздан бошқа бировнинг сизга юраги бундай ачирмиди?!

Оилангизга фақат яхшилик тилайман. Илоҳим бир-бирингизни тушуниб, хотинингиз билан, фарзандларингиз билан бир дастурхон атрофида йиғилишиб ўтириб, бирга дуо қилиб дастурхондан турадиган кунларга етказсин. Оиланинг бир дастурхон атрофида ўтириб, бирга дуо қилиб туришларида ҳикмат кўп. Оила тотувлигининг калити ҳам ана шунда.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**Бектемир тумани.**

# ЕТИМ АСРАШ—САВОБ...

**«Асрандим-жигарбандим»-26-сон**

**ЭСЛАТМА: Бола асраб олган кишилар бу ҳақда ўз дилбандларига ёшлигида айтиши лозим. Акс ҳолда эсини таниган боланинг кўнгли синади. Бола боқиб олган кишилар болани руҳан бунга тайёрлаб бориши керак. «Асрандим-жигарбандим» деган мақол ана шундай кишилар учун айтилгани ҳақиқат эмасми?**

**Муаллиф: А. Қосимов**

Ушбу мақолани ўқидим-у, қўшни маҳаллада юқори лавозимларда ишлаган бир оиланинг ҳаёти ҳақида ёзиш учун қўлимга қалам олдим.

Улар опа-сингилларнинг фарзандлари бўлишиб, 1952 йили турмуш қуришган. Лекин уларнинг ўртасида фарзанд бўлмаган. Хўжаликда раис, партком, бригада бошлиғи, ҳатто пилла агрономи лавозимларигача кўтарилиб, ҳалол меҳнат қилган аёл бўлган. Унинг овсинининг 7 нафар фарзанди бўлиб, саккизинчи фарзанди - ўғлини овсинига фарзандликка берди.

Уч кунлик болани ўз номларига расмийлаштириб, туғруқхонадан олиб чиқишди. Бола улғайиб, мактабни ҳам битирди. У ўқишга кирмади. Опоқиси, яъни боққан онаси билан бирга дала ишларига, уй ишларига ёрдам бериб юрди. Жуда одобли, яхши бола бўлиб ўсди. У дадаси амакиси эканлигини билмасди. Бир маҳаллада бўлганлиги сабабли эсини таниганда кетиб қолади, деб айтишмаган.

16 ёшга кирганда ўртоқлари: «Булар сенинг даданг ва онанг эмаслар, сенинг ота-онанг маҳалланинг охирида яшашади», - дейишади. Шунда бола: «Сизлар менинг ота-онам эмас экансизлар», - деб йиғлаб, ўз ота-онаси хонадонига қайтиб келади. Шунда ота-онаси, айниқса онаси: «Мен сени туққанимда туғруқхонада касал бўлиб қолганман. Шунда сенинг ҳаётингни ўйлаб, шу бувинг уч кунлик чақалоқлигингда туғруқхонадан олиб келиб, сени парваришлаб, катта қилди. Энди сен уларнинг фарзандисан. Туққан она эмас, боққан она», - деб аёл ўз фарзандига яхши гапларни айтиб, дадаси эса уни яна ўша хонадонига олиб бориб қўяди. Шу-шу бу ҳақда бошқа гап чиқмади. Ўғил улғайди, уни севган қизига уйлантиришди. Орзу-ҳавас билан тўй қилишди. У ҳам уч фарзандли бўлди. Яқинда невара тўй қилиб беришди.

Ана сизга асранди боланинг бахти! Ҳозир бувилари ҳам, дадалари ҳам нафақада, яхши ҳаёт кечириб келишмоқда. Ҳеч ким уни асранди бола, демайди. Ўша йиғлаб келганда онаси: «Майли, уйимизда қолавер», деганда шунча боққанлари беҳуда бўлармиди?.. Афсусланишармиди?

Мен ўйлайманки, укамиз айтганларидек, болага тўғри тарбия берилса, ҳеч қандай етим бола оғзи-бурнини қон қилмайди. Бундай бола сақлаб олган оилалар биз томонда кўп. Улар ҳам жуда яхши ҳаёт кечириб, айрим ўз фарзандидан нолиган хонадонларга ўхшамайди. Ўз фарзандидай вояга етиб қолишаяпти. Аввало, етим бола боққан савоб. Буни унутмайлик.

Шу сабабли раҳмдил, савобталаб, болага меҳрини бера оладиган, етимлигини билдирмай, тарбия бериб келаётган инсонлар сафи кўпаяверсин.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ҳурматли устозимиз НАРГИЗА опа!
Таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Ҳаётингиз қувончли кунларга тўлсин. Доим соғ бўлинг.
Назокат

АКМАЛЖОН!
Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Сизга оилавий бахт, саломатлик, омад тилайман. Қизим Умидахон билан қўша-қариб юринг.
Ойижонингиз
Шохида





Азизу меҳрибонларимиз РУСТАМ ота ва МАМЛАКАТХОН опа!
Сизларни турмуш қурганингизнинг 50 йиллик олтин тўйингиз билан қутлаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин. Қувончли кунларимизда бош-қош бўлиб, хонадонимизнинг кўрки бўлиб юринглар.
Фарзандларингиз, невараларингиз.





Набирам САЪДУЛЛА!
Туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.
Яқинларинг

Курсдошимиз БЕКЗОД!
Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Курсдошларингиз



Ҳурматли ҚОДИРЖОН ака!
Таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан қутлаймиз. Сизга соғлиқ-саломатлик, ишларингизда омад ва дунёдаги барча яхшиликларни тилаймиз.
Оила аъзоларингиз.

ТАТУдан **ҲАМРОЕВ РАВШАН РАББОНАҚУЛОВИЧ**га 2006 йилда берилган **46 Т 003-(410-06)** рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР қилинади.**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат асосий қонунини ўрганиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш хамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида **«Менинг Конституциям»** танловини эълон қилади.

**Танлов йўналишлари**

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
- энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж)
- энг яхши интервью;
- энг яхши фоторепортаж.

**Танлов шартлари**

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида асосий қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид ) маълумотлар илова қилинади:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституциям» танловига» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

**Танловни ўтказиш тартиби**

Танлов анъанавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Танлов ғолибларига мукофотлар**

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

**Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 1441251, 1441596 www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.**

**Ташкилий қўмита**

# ҲАЗРАТИ ИНСОН ОТАМ



**Қутлов**

Отам Иззатулло Ҳотамов Ўнғолович иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. Ўзининг тиришқоқлиги ва билимдонлиги билан аввал мактаб директори, сўнгра туман халқ маориф бўлими мудирлигигача кўтарилди. Қарийб 25 йил мобайнида Зафаробод тумани бўлим мудирлиги лавозимида иш юритди. Ҳалол меҳнати орқасидан халқ маорифи аълочиси унвони билан тақдирланди. Отажоним 7 қизу, 3 ўғилни ўқитиб, камолга етгказган. Ҳозирги кунда 20 дан зиёд набиралари даврасида кексалик гаштини сурмоқда. Дуогўйим отам! Мен сизнинг шаънингизга қалбим бисотидаги энг тафтли, меҳрга қоришиқ сўзларимни туҳфа этмоқчиман. Мен сизнинг қизингиз эканлигимдан фахрланаман. Сиз 64 баҳор юзини қаршиладингиз. Сизнинг яширин меҳрингиз, соғинч иси уфуриб турган сўзларингиз, мени кўрганда намланган нуроний нигоҳингиз олдида дунёлар ўтаверсин. Дунё ўткинчи, бойлик ўткинчи аммо меҳр ғанимат, умр ғанимат. Бу дунё тургунича туринг отажон. Биз қизларингиз, ўғилларингиз сизни севиб-суйиб қолаверамиз.

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Бўка.**

ТАТУдан **Зафар ЖЎЛЛИЕВ**га 2004 йилда берилган **015**-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Республика таълим марказининг ўқув-методика бўлими ходими
**Насибахон ҲАКИМОВА**
вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.
**Бир гуруҳ дўсту қадрдонлари**

# МИННАТДОРЧИЛИК

**Газетхон қўнғироғи**

Мен Тошкент Тиббиёт академияси 1-тиббиёт институти юрак хасталиги бўлимида даволаниб чиқдим. Бундан икки йил олдин ҳам шу шифохонада даволанган эдим. Ўшанда ҳам Шухратжон исмли врач ва ҳамшираларнинг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, бир оғиз чақириғингизга дарҳол етиб келиб, ёрдам беришлари дилимни чароғон қилганди. Бу гал эса шифокор Мўътабархоннинг. муомаласидан, даво-дармонларидан соғайиб кетдим. Мен бу даргоҳда даволаниб чиққан беморлар номидан шифокорлару барча ходимларга соғ-саломатлик, оилавий бахт, ишларида муваффақият тилайман.

**Муҳаббат РАҲИМОВА.**
**Тошкент шаҳри, Хамза тумани.**

# КЎР ҚИЛИБ ҚЎЙДИНГ

**Ханда**

- Дадажониси, сизникига қочиб келиб, айб иш қилиб қўйдим. Ота-онамдан, туққан-туғишганимдан тириклай айрилдим! Эндигина кўзим очилаяпти, икки болали бўлгач...
- Сенинг-ку кўзинг энди очилибди, лекин менинг кўзим онажониси, аллақачон кўр бўлиб қолганди.
- Нега дадажониси?!
- Ўн беш йил бирга ўқиб, севиб-севилиб, аҳду паймон қилиб юрган қизимдан айирдинг-да, онажониси!

**Эргаш АТОЕВ**

**ЮЛДАШЕВА ТАЖИХОН ТАДЖИБАЕВНАГА** берилган **РВ №866274 рег. № 25222** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Одамлар билан мулоқотда бўлиш кайфиятингизни кўтаради.Кўпчиликнинг эътиборига тушасиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Нотаниш кишилар билан сирлашиш сизга анчагина кўнгилсизлик олиб келиши мумкин. Шу боис сирингизни ҳаммага айтаверманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Яқинларингиз билан муаммо чиқиши мумкин. Дўстларингиз билан муносабатни асрай билиш эса ўз қўлингизда.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Шу ҳафтада саёҳатга чиқсангиз анчагина ютуқларни қўлга киритасиз. Бўш вақтингизни эса яқинларингиз билан ўтказинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Таваккал қилишга уриниб кўринг. Бу сизга омад келтиради. Севгилингиз билан учрашасиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳамкорларингиз билан учрашиш учун қулай ҳафта. Истаган режаларингизни амалга ошириш учун дадил киришинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Муҳим қарорлар қабул қилишингиз мумкин. Шунингдек, соғлиғингиз ҳақида ўйлашни ҳам унутманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳафта давомида кўп ишларни кўнгилдагидек бажаришга улгурасиз. Маблағингизни тежаб ишлатинг. Кутилмаган сафарга чиқасиз.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ҳар қандай бизнес ишларингиз омад келтиради. Ушбу ҳафтада мансабингиз ошиши учун имконият пайдо бўлади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Қарзларингизни узасиз. Ишда ва оилангизда ажойиб янгиликлар рўй беради. Янги инсонлар билан танишасиз.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Ўз кўринишингизга аҳамият беринг. Янги либослар сотиб олинг. Машинада сафарга чиқмаганингиз маъқул.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).** - Сизда жуда омадли ҳафта бошланаяпти. Хорижий сафарларга чиқасиз. Маблағингизга маблағ қўшилади.

# ТАЛАБАЛИК+СЕВГИ=?...

***Т**алабалик даврини бошдан кечираётган ёшлар дилидаги севгига монанд ҳис-туйғулар ўзининг пўртана ва довуллари билан ажралиб туради ва бунда кимдир баҳтини топса, яна кимдир пушаймонда қолади... Демак, талабаликда севиш, севилишнинг ўзига хос паст-баланди, салбий-ижобий томонлари бўлади. Бу ҳақда эса айнан  талаба ёшларимизнинг дилдан айтар сўзлари, ўз муносабатлари бор...*

**Илҳом ШЕРМАТОВ-Тошкент молия институти талабаси:**

— Яқин ўртоғим бор. У ўзининг курсдоши билан беш йилдан бери севишади. Ҳолбуки, шунча йиллик муҳаббат на унга, на қизга, на ўқишлари ва ишларига ҳалақит берди. Балки улар шу йиллар давомида бир-бирларини ҳар жиҳатдан ўрганишди, ҳис-туйғулари самимий ва собит эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Ҳозирда эса улар магистратурада таҳсил олишлари билан бирга нуфузли ташкилотларда ишлашмоқда. Хўш, бу билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, агар икки талаба ёш бир-бирларига кўнгил қўйдими (самимий ва покиза муҳаббат назарда тутиляпти), бундан нафақат улар, шунингдек уларнинг яқинлари ва ота-оналари фақат ва фақат хурсанд бўлишлари лозим. Айни замонда кимнидир самимий ва беғараз севиб қолиш катта қаҳрамонликдир. Юқоридаги мисолга яна қайтаман. Беш йил давомида улар бир-бирларига ҳар жиҳатдан суянишди. Айниқса, ўртоғим вақти келдики, қизга ота ўрнида ота, ака ўрнида ака бўлиб талабаликдаги мусофирчиликни билдирмади. Бу эса, уларнинг келажакда биргаликдаги турмушлари учун мустаҳкам пойдевор бўлди деб ўйлайман. Шу ўринда яна бир нарсани унутмаслик керак. Бир-бирига кўнгил қўйган талаба ёшлар бошқаларга нисбатан аввало икки карра сабр-тоқатли, ор-номусли ва ўқиш ва ишга маъсулиятли бўлишлари лозим.



**Раъно АЛИМАРДАНОВА - Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— Талабаликнинг илк босқичидаги аксарият  ёшларимиз онгида билим олиш хоҳиши бирламчи бўлади. Бироқ кўп вақт ўтмай улар ўз олдиларига қўйган мақсадларидан чалғиб, таълим олишдан четланишади. Бунга асосий сабаб нима? Кимдир оилавий муаммолардан қийналади, яна кимдир моддий етишмовчилик исканжасига тушиб қолади. Ва ундан ҳам баттарроғи ноўрин муҳаббатга талабанинг чалғишидир деб ҳисоблайман. Тўғри, ошиқлик юракдан изн сўраб ўтирмайди. Бунинг учун “севги” дардига мубтало талаба ёшларимизни айблаш адолатсизликдир.

Икки шахс ўртасида бионур ҳосил бўлиб, у дастлаб қизиқиш, талпиниш кўринишида бўлади. Унинг чинакам муҳаббатга айланиши учун эса иккала томон ҳам қадр-қиммат, сабр-тоқат, ўзаро ҳурмат, меҳр тушунчаларини ҳаётларига татбиқ этишлари лозим. Шундагина боқий туйғуга эришиш мумкин деб ўйлайман.

Аммо афсуски бугунги талаба ёшлар “севги”сида бу жиҳатлар етишмайди. Кўча-кўйда жуфт бўлиб юрган йигит-қизлар бир-бирларини туртиб, сенсираб, баланд овозда беҳаё сўзлашади. Айниқса, баъзи талаба йигитлар қизларнинг молиявий жиҳатдан бақувватроқ оиладан эканлигини “инобатга олиб” севги изҳор қилишлари ёки бунинг акси кишининг ғашини келтиради. Шундай экан, азиз тенгдош! Бир нарсани унутмайлик. Яхши ниятлар билан ўқишга кузатган ота-оналаримиз биздан фақат яхши натижаларни, иш ва ўқишдаги муваффақиятларни кутишади. Буни инобатга олайлик, ёшлик даври тез ўтиб кетади, бизни эса келажак кутмоқда.

**Олимжон АБДУКАРИМОВ - Тошкент автомобиль йўллар институти талабаси:**

— Санъаткорларимиздан бири: “Севги, севги дер экан, Севги дилни ер экан...”,-дея куйлагани бежиз эмас деб ўйлайман. Сабаби, севишганларнинг урушмаган вақтларидан урушган, аразлашишган вақтлари кўп бўлади. Балки шуниси билан ҳам жозибалидир. Аммо... бу одамни жуда чарчатар экан. Севги, севиш, севилишдан безиллаб қолар эккансан киши. Тасаввур қилинг, сиз талабасиз. Озми-кўпми ўзига хос қийинчиликларни бошдан кечираяпсиз. Лекин, бу ҳам етмагандай севиб қолгансиз. Бирдан дарс, маъруза, машғулотлар аҳамиятини йўқотгандай бўлади. Сизнинг кўзингиз ва кўнглингиз фақат уни кўради. Аммо, вақти келадики ё сиз ёки у бир-бирларингизга ҳар томонлама номуносиб эканликларингизни англаб, тушуниб қоласиз. Хўш ўтган вақт, ўтказиб юборилган дарслар, яхши ўқиш, билим олиш имкониятини қайтара оласизми? Мен бу билан севиш хато демоқчимасман. Чинакамига севиш ва севилиш инсонга бир маротаба берилади. Шундай экан, талаба севиб кўриши шарт дея ўткинчи туйғуларга алданиш жоизмикан?!

**Дилафрўз ТЎХТАБОЕВА-Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**

— Атрофимизга қараб, одамлар ҳам, уларнинг муносабатлари, ҳис-туйғулари ҳам ҳар хилда деб қўямиз. Яқинда дарсда бироз ушланиб қолдим. Уйга тезроқ етиб олиш учун хиёбонни кесиб ўтмоқчи бўлдим. Йўлкалар оралаб кетаётган эдим, бирдан бир йигит ва қизнинг баланд овозда гаплашишаётгани қулоғимга чалинди. Туппа-тузук кийинган, йигирма ёшлардаги йигит ва қиз ҳеч андишасиз жанжаллашмоқда:

“—...керак бўлса адангиям, акангниям...(йигит жуда ҳақоратли сўзларни тилга олди), билдингми?, яна бир марта учрашувга сани чиқармасин-чи...”

Унинг сўкинишларига жавобан қиз бундан ўн чандон уятли сўзлар билан бақира бошлади...

Мен эса севгидай пок, фидоий ҳисни поймол қилган тенгдошларимга ачиниб кетдим.

***Мана азиз газетхон, талаба ёшларимизнинг кўтарилган мавзу юзасидани билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиқдингиз. Энди навбат сизга. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.***

# ТЕЛЕВИЗОР ТАЛАШИБ...

Талабалар жуда яхши билишса керак, ётоқхонада энг талаш бўладиган матоҳ бу— телевизор. Айни кечки овқатдан сўнг телевизорнинг чинакам машмашаси бошланади. Ёши каттароқ талаба бирон жиддийроқ кўрсатув кўргиси келса, кичикроғи эса кўнгилочар томошаларга ўч бўлади. Яна кимдир футболнинг ашаддий мухлиси бўлса, яна бошқаси эса сериалларсиз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Булар телевизор талашишнинг умумийроғи бўлиб, хатто у жинсга қараб ҳам бўлиши мумкин. Бунда “бечора” телевизор ўртада, бир ёнда йигитлар, бир ёнда қизлар. Жанг эса қизигандан қизийди...

Ўша куни ҳам одатдагидек телевизор машмашаси бошланди. Соат 21.00да биз қизларнинг севимли сериалимиз бошланиши керак эди. Аксига олиб худди шу вақтда бошқа телеканалда футбол бошланаркан. Бизнинг қаватимиз йигитларидан “мўминтой” элчи келиб бу ҳақда бизга маълум қилди ва бу жуда катта илтимос эканлигини, сериал эртага тушдан кейин такрор қўйилишини ҳам қўшиб ўтди. Биз эса одатдагидек уларнинг илтимосини рад қилдик. Чунки, ўша куни  севимли сериалимизнинг сўнгги қисмини томоша қилишимиз керак эди. Сериал ҳам бошланди. Ҳамма қизлар ҳаяжонда, охири нима бўларкин деб диққат бўлиб ўтирибмиз. Бирдан сувнинг қаттиқ шовуллаши эшитилди. Бир йигитимиз ҳаллослаб югуриб келди ва қизлар ювиниш хонасида қувур ёрилиб кетганини айтиб, сантехник етиб келгунича ёрдам бериб туришимизни илтимос қилди. Истар- истамас ўрнимиздан туриб, ювиниш хонасига борсак ҳеч қандай қувур ҳам  ёрилмабди, сув ҳам тошиб кетмабди. Жон-понимиз чиқиб кетди. Ҳали биз уларга майна бўлиб қолдикми, деб жаҳлнинг минг тезлигидаги отига миниб ортимизга қайтсак, телевизор турадиган залнинг эшиги қулфланган. Ичкаридан эса болаларимизинг “гол” дея қийқирган овози эшитилаяпти. Аламзадаликдан нима қилишни ҳам билмаймиз. Битта шўх қизимиз бор эди. Ўша қиз чироқни автоматдан ўчириб қўйишни таклиф қилиб қолди. Шунда ҳисоб: 1-1 бўлади деди. Бир овоздан  рози бўлдикда чироқни автоматдан ўчирдик ва  биздан шубҳаланмасликлари учун ҳаммамиз ўз хоналаримизга тарқалишдик. Шундай қиёмат бошландики. Йигитларимиз у ёқдан бу ёққа оёғи куйган товуқдек зир югуришади. Чироқ автоматининг калитини топиша олмай  хуноб бўлишади. Калит эса бизда. Ҳаммаёқ қоп-қоронғу. Шу тариқа анча вақт ўтиб кетди. Йигитлар комендантдан автоматнинг иккинчи калитини олиб келдилар шекилли, чироқ ёқилди. Биз эса ҳеч нимадан бехабар кишидек секин хоналаримиздан чиқиб кела бошладик ва телевизорнинг ёнига боришга ошиқдик. Аммо улгурмадик...

Тақдирга тан бериб ошхонада чой ичиб ўтиргандик, староста йигитимиз келиб, “қизлар, комендантнинг олдига тушсам комиссия ўтирган экан, ётоқхонанинг тозалигини текширишга келибди, хоналаримизни ҳам текширар экан, тез бўлинглар ҳаммага эълон қилдим, ҳозирнинг ўзида шанбалик ўтказамиз”, деб қолди. Кимдир қўлига супирги олган, яна кимдир чанг латтани олиб ҳаммаёқнинг чангини артишга тутинган. Қисқаси қаватимизни чиннидай қилиб қўйдик. Ана кутамиз, мана кутамиз, аммо комиссиядан дарак йўқ. Йигитларимиз бизни яна чув туширишган экан. Шу вақтда ҳеч қайсимиз ярим кечаси ётоқхонада комиссия нима  иш қилади деб  ўйлаб кўрмабмиз ҳам.

Шундан сўнг телевизорда нимани кўришни овозга қўйиб аниқлайдиган бўлдик. Айтиб қўяй, овоз беришга фақат бизнинг қаватимизда яшовчиларниңггина ҳуқуқлари бор.

**МалоҳатМЎМИНОВА**

**Ёшлик бекати**

# СОҒИНЧ

Телефон. Таниш рақамлар. Узун-узун гудок. Узоқ-узоқ гудок. Мен кутган меҳрибон овоз:

— Алло.

— Ассалому алайкум...

— Вой қизим, сенмисан, яхши юрибсанми?

— Ўзингиз, дадам, опаларим, укаларим яхшими?

— Худога шукр. Ҳаммалари соғ-саломат. Жиянчаларингни айтмайсанми, кап-катта бўлиб қолишган, кўз тегмасин.

— Уларни кўргим келиб кетди...

— Насиб бўлса уйга келганингда кўрасан... Ўзинг яхшимисан қизим?

— Ҳа...

— Вақтида овқатланаяпсанми?

— Ҳа...

— Иссиқ овқат еяпсанми?

— Ҳа...

— Оёғингни иссиқ қилиб юргин?!

— Ҳо-о-о-п.

— Томоғинг оғримаяптими?

— Йў-ў-ўқ (бўғзимга нимадир тиқилди).

— Ҳа қизим, тинчликми?

— Ая, сизни соғиндим!

— Нима, дарслардан қийналаяпсанми?

— Йў-ў-ўқ.

— Қизим, йиғлаяпсанми?

— Йўқ. Майли ая, ҳамма-ҳаммага салом айтинг...

Узу-у-ун гудок.

Қанийди, бир лаҳза бўлса ҳам сизнинг бағрингизда қолиб кетган болалигимга қайтсам. Ҳар тонгда сизнинг майин, меҳрибон қўлларингиз мени уйғотмайди, дарсдан қайтишимни эса  ҳеч ким сизчалик интизор кутмайди. Худди, аввалгидек сизга эркалангим келиб кетди. Қанийди, ҳозир ҳам дарсга кетаётганимда мактабда ерсан деб нон орасига сарёғ суртиб берсангиз. Сумкамни елкамга тақиб қўйиб, бугун ҳам албатта, бешта “беш” олгин деб кузатсангиз. Ўқишдан қайтганимда эса, дарвозахонадан бор овозим билан “Ас-салом-му алайкум” дея бақириб кириб келсам.

Ҳозир ҳам кўп-кўп “беш” баҳо олаяпман. Уларни сизга кўрсатиб мақтангим келаяпти. Ҳар бир ютуғим эвазига сизнинг меҳрингиздан яна-яна туйгим келаяпти. Ая, мен ҳали улғайганим йўғ-а? Ҳали ҳам арзимаган нарсага йиғлаб ўтирадиган дўмбоқ қизингизман-а? Ҳеч ҳам катта бўлгим келмайди. Айни дамда сизни қаттиқ ачомлаб ухласам.

Киприкларда нам, кафтим орасида “мунис сурат”. Уйқу элитди...

**Шоҳида МЎМИНОВА, ЎзМу талабаси.**



## Газетхонларимиз ижодидан

Тутамлар қирқ кокилинг
Капачнинг тилла боғи.
Унут-унут тароғинг
Юрагимнинг санчоғи.

Қуриб қолган толбаргак,
Сочилади сочингдан.
Соғинч қилади эрмак,
Ўсма эзиб қалбимда.

Қўлингдаги хинога
Кўнглимнинг доғи урган.
Соғинтирган сочингни
Соғинчим ўзи ўрган.

Тўкилар мунчоқ-мунчоқ,
Соғинчларим тош йўлга.
Тоғда бир ёвкур лочин,
Ўрганиб қолдим қўлга.

* * *

Минг шукр, тонг отди тун ва кун аро,
Тортилди хуршеднинг юзидан қаро.
Дилимда борини тўккум, севил-о,
Сен бахтли бахтсизсан, мен бахтиқаро.

Мени унутганларни унутолмадим,
Сидқидил интиқиб гул тутолмадим,
Бир тунга бўлса-да тан ололмадим:
Сен бахтли бахтсизсан, мен бахтиқаро.

Толе ўлкасига чорлайди қуёш,
Терилар паришон бир жуфт қалдирғоч.
Учмоққа қанот йўқ, тўккани кўз ёш...
Сен бахтли бахтсизсан, мен бахтиқаро.

Умри аросатда кетдим ўртаниб,
Кимларга ишондим туради тониб.
Севганим ўзинг-ку, унутдинг, ёниб,
Сен бахтли бахтсизсан, мен бахтиқаро.

Шайтонлар изғийди ярим ялонғоч,
Гул очмоқ бўлади бўсаға оғоч.
Ҳар нарса ҳал бўлар, сен-да бундан қоч,
Сен бахтли бахтсизсан, мен бахтиқаро.

### ҚЎШИҚ

Ишқ савдоси қийиндиров,
Ишқ ғавғоси изтироб.
Топганим бир азоб бўлди,
Йўқотганим минг азоб.

Сақлолмадим муҳаббатни,
Қўйсамда минг қалб тузоқ.
Сўнгра юз бор ҳайдаб кўрдим:
Унутмоқлик мушкулроқ.

Энди мудом тушларимда,
Ой келинсан, тўлин ой!
Фақат кимнинг хасмидирсан,
Билмам, қанча уринмай...

Сочларингни силай десам,
Қучиб турар толбаргак.
Белгинангдан қучай дейсам,
Учиб кетар халинчак.

Қўшиқ айтсам ёр бўлай деб,
Ёр ёнингда суқсурдай.
Ишқ савдоси қийинку-я,
Ишқ ғавғоси оғирдай.

Эшқобил ВАЛИ,
Самарқанд.



### ЁЛҒИЗ АЁЛ

Дардин сўйлай деса ул дардкаши йўқ,
Дилин овлагувчи бир дилкаши йўқ,
Кўнгил осмонининг ойбаркаши йўқ,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

Изтиробга емиш жисм ила жони,
Ханжар уриб боқинг оқмайди қони.
Таҳликада кечар ҳар дам, ҳар они,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

Эгмоқни истамас ғурурли бошин,
Йиғлай олар кўздан оқизмай ёшин.
Куйманиб гоҳида куйдирар ошин,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

Гоҳ тил тиғи бирлан бағрини тилманг,
Унинг бахти ярим буни унутманг.
Ҳасадин емангиз, ҳавас ҳам қилманг,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

Ташвишлардан безса ишга шошар у,
Ишда ҳам толиқса қайга қочар у,
Юрак сирларини кимга очар у,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

Қаро меҳнатлардан қўллари қадоқ,
Қисмат қийноғидан қалб тубида доғ,
Очилиб кулса гоҳ деманг «вақти чоқ»,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

Эл оғзида элак шаънин элайди,
Кимдир қора, кимдир оққа белайди.
Ҳақдан ўз-ўзига тоқат тилайди,
Кўрган куни кунми ёлғиз аёлнинг.

### САРОБ БЎЛДИ

Кетиб ёрим мани ҳолим,
Хароб бўлди, хароб.
Эзгу аҳдим, ширин бахтим,
Сароб бўлди, сароб.

Ғам селидан бағрим тўлди,
Кўзим дарёи ашк бўлди.
Дарғотида киприкларим
Мироб бўлди, мироб.

Орзуларим осмон қадар,
Эди, армон солиб хатар.
Тутдай тўкилди-ю ерга
Туроб бўлди, туроб.

Бўй баробар кечганларим,
Тўйиб-тўйиб ичганларим,
Изтироб деб аталмиш ул,
Шароб бўлди, шароб.

Умидларим сарҳади йўқ,
Сароб бўлди, сароб.

### СЎРОЛМАЙМАН

Кўролмайман,
Дийдорингни соғинганда
кўролмайман.
Сўролмайман
Соғиндингми сен ҳам дея
сўролмайман.

Бир замонлар бахтдан
парвоз этдик қушдек.
Не бўлди-ю, бир қаро
кун айрилишдик.

Бошинг узра турарман-у
бошим эгик.
Сувдай сизиб хос хобингга
киролмайман.

Бу дунёда менинг ҳали
ишим талай,
Дейман, энди ўғил-қизинг
уйлаб-жойлай.

Ўйлаб кўрсам тангри
берган куним битмай,
Вақти-бевақт ҳузурингга
боролмайман.

Дийдорингни соғинганда
кўролмайман,
Соғиндингми бизни дея
сўролмайман.

Каромат ОСТОНОВА



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### СУЯКЛАР—ҲИМОЯ ҚОБИҒИ

Скелетимиздаги суякларнинг бир қисми танамиздаги юмшоқ ва нозик аъзоларни ташқи таъсирлар, зарбалар ва жароҳатлардан ҳимоя қилиш вазифасини ҳам ўтайди.

Жумладан, бош ва умуртқа суяклари бош мия ва орқа мияни ҳимоя қилади. Қовурғалар эса ҳамма томондан ёпилган қафасни ташкил қилиб, унинг ичида юрак ва ўпкаларимиз жойлашади. Ошқозон, жигар каби аъзоларни эса пастки умуртқалар ва тос суяги ўз "ҳимоясига" олади.

Шундай қилиб, скелетнинг иккита муҳим вазифаси бор экан. Биринчидан, у тананинг тик ҳолатда туришини таъминлайди. Иккинчидан, ички аъзолар учун ҳимоя қобиғи бўлиб хизмат қилади.

### БАРЧА СУЯКЛАР БИР ХИЛМИ?

Бажарадиган вазифасига ва скелетнинг қайси қисмида жойлашганига қараб, суякларнинг шакли ва узунлиги ҳар хил бўлади. Шаклига кўра, суяклар тўртга бўлинади: узун суяклар, узайган суяклар, япалоқ суяклар ва майда суяклар.

- **Узун суяклар** деб аталашига сабаб,



уларнинг узунлиги қалинлиги ва энидан анча катта бўлади. Танамиздаги энг узун суяк болдир(сон) суягидир.

-**Узайган суяклар** ёй ёки сал эгилган шаклда бўлади. Аммо шунга қарамай, уларнинг ҳам узунлиги бошқа параметрларидан каттароқдир. Бундай суякларга қовурғаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

- **Япалоқ суяклар** кенг ва юпқа шаклга эга бўлади. Бош, тос, курак суякларини мисол қилиб келтириш мумкин.

- **Майда суяклар** ҳар жиҳатдан, яъни узунлик, кенглик, қалинлик томондан ҳам бошқа суяклардан кичик бўлади. Қўл ва оёқ бармоқлари суяклари, умуртқалар майда суяклар тоифасига киради.

### МУШАКЛАР НЕГА КЕРАК?

Мушаклар бутун танамиз бўйлаб тақсимланган бўлиб, улар инсон танаси вазнининг ярмини ташкил этади. Улар суяклар билан биргаликда инсонга ҳаракатланиш имкониятини берадиган механизмни ташкил этади.

Инсон ҳатто энг оддий ҳаракатларни (оғиз ёки кўзни юмиб-очиш, қошларни чимириш, югуриш, сакраш ва бошқалар) ҳам мушаклар ёрдамида амалга оширади. Мушаклар бўлмаса, танамиз мутлақо ҳаракатсиз бўлган бўлар эди.

Танамиздаги мушакларнинг тенг ярми оқ толалардан иборат. Улар ёркин рангга, тез қисқариш хусусиятига эга. Мушакларнинг иккинчи ярмини эса қизил толалар ташкил қилади. Уларда керакли энергияни етказиб берувчи қон томирлари жойлашганлиги боис ранги ҳам анчагина қорамтир бўлади.

### БИЗ ҚАНДАЙ НАФАС ОЛАМИЗ?

Нафас жараёни икки хил ҳаракатдан ташкил топган бўлади – нафас олиш ва нафас чиқариш. Нафас олиш пайтида ҳаво ўпкаларни тўлдиради, нафас чиқарганда эса улардан чиқиб кетади.




Нафас олган пайтимизда кўкрак қафасидаги мушаклар – диафрагмалар қисқаради, бу эса қовурғалар мушакларини ҳам қисқартириб, қовурғаларнинг ўзини кенгайишга мажбур этади. Қовурғалар билан бирга кўкрак қафаси ҳам кенгаяди ва ўпкага кўп миқдорда кислород билан тўйинган ҳаво тушади. Ўпкадаги пуфакчаларга тушган ҳаво таркибидаги кислород, қонга ўтади.

Шундан сўнг барча мушаклар асл ҳолига қайтади, ўпка эса қисилади. Натижада ундаги карбонат ангидрид ва сув буғи билан тўйинган ҳаво ташқарига чиқариб юборилади.

Одатда бир дақиқада инсон 20-25 марта нафас олиб, нафас чиқаради.

### СУВ ОСТИДА НАФАС ОЛИШ МУМКИНМИ?

Инсон ҳам бошқа аксарият қуруқликда яшовчи жонзотлар сингари атмосфера ҳавосидан нафас олади. Бизнинг нафас олиш тизимимиз айнан ер устида яшашга мослашган. Шу боис инсон сув тагида нафас олиши мумкин эмас. Чунки сув тагида нафас олганда ўпкага сув кирса, одам бўғилиб қолади.

Шу боис одам сув тагида ўпкасидаги ҳаво тугагунча бўла олади, холос. Чуқур нафас олганда ўпкада тўпланадиган кислород миқдори бизга сув тагида бир неча дақиқа бўлиш имконини беради.

### МУШАКЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Мушаклар эластиклик хусусиятига эга бўлгани боис чўзилиш ва қисқариши мумкин, аммо бу жараёнда узилиб кетмайди. Танадаги бирор бир мушак чўзилганда ёки қисқарганда у бириккан суяклар ҳаракатга келади. Қўлдаги мушаклардан бири, яъни бисцепс қисқарганда қўлимиз тирсакдан букилади, аксинча бисцепс яна чўзилиб асл ҳолига қайтганда, қўлимиз ҳам яна ёйилади.

Мушаклар воситасида бажариладиган қўллаб ҳаракатларни биз ўз хоҳишимизга қараб амалга оширамиз. Юриш, югуриш, бошни у



ёқ, бу ёққа буриш, сакраш кабилар шулар жумласидандир. Аммо айрим ҳаракатларни мушаклар бизнинг хоҳишимиз ёки иштирокимизсиз, ўзича бажаради. Юрак уриши бунга мисол бўла олади.

ДАРМОН тайёрлади

...Азиза эндигина 25 ёшга қадам қўйди. Унга четдан қараган одам ҳали турмушга чиқмаган деб ўйлайди. Чунки Азиза фарзандли аёл бўлса-да, худди ёш қизлардек эди. Гўзал ва хушчақчақлиги билан бирга ҳар қандай одамни мафтун қиладиган сеҳри бор. Лекин ўша "сеҳри" билан эри ва унинг оиласидагиларни ўзига "ром" қилолмади. Азиза ўзига катта баҳо бериб юборганини кейинроқ англади. Майда гап-сўзлар, ўзаро келишмовчиликлар туфайли эри билан ажрашди. Ўғлини етаклаб, ота эшигига кўч-кўрони билан қайтиб келди. Аввалига уйдагилари унинг кўнглига қарашди. Кейинчалик янгалари билан гоҳ болаларининг ўртасига тушиб, гоҳ арзимаган майда-чуйда гаплар учун айтишадиган бўлишди.

- Бундай аҳволда гап кўпаяди, ғидибидилар, ғийбатлар урчийди. Акаларингнинг ҳам кўзига ёмон кўринасан. Яхшиси бирон ишнинг этагидан тут. Болангни боғчага бер. Иш бошлаганингдан кейин бирорта ўзингга муносиб одамни ҳам учратарсан. Эҳтимол, бахти-тахтингни топиб, ўзингдан кўпаярсан, - деди онаси.

Азиза онасининг гапларидан сездики, келинойиларига ўзи ҳам, боласи ҳам малол келаётгани аниқ. Шундан кейин у шаҳардаги ташкилотлардан бирига котиба бўлиб ишга жойлашди. У комьпютерни яхши билар, аввал ҳам котиба бўлиб ишлагани учун бу вазифани бажаришдан чўчимасди. Бошлиқ ҳам ёш, чиройли, келишган бўлиб, исми-жисмига монанд ўктам йигит эди. Азиза ўзи билмаган ҳолда Ўктамни севиб қолганди.

Йигитнинг икки фарзанди бор, турмуш ўртоғи ҳам соддагина аёл эди. Уйда ўтиргани боисми ёки диний илм олгани учунми, аёл ўзига оро бермас, ўзининг вазифасини - икки фарзандини оқ ювиб оқ тарашу, эрининг уддасидан ўтиш деб биларди. Азиза эрини зарурат юзасидан бир-икки марта сўраб келганда бу аёлни кўрганди.

"Намунча содда бўлмаса? Мен билан тенгдош экан-ку, худди катта аёлларга ўхшаркан. Эссизгина эр, эссизгина шунчалик мол-давлат. Агар бу бахт менда бўлганидами!.."

Азиза хаёлига келган бу фикрдан дастлаб ўзи ҳам чўчиб кетди. Сўнг эса жилмайиб қўйди. Азиза бошлиғининг олдига арзимаган сабаблар билан тез-тез кириб, иложи борича уни ўзига жалб этишга, муҳаббатини қозонишга ҳаракат қиларди. Ўктамнинг ёлғиз қолганидан фойдаланиб, чой ёки қаҳва олиб кирар, жилмайиб, кўзларини сузиб унга чиройли кўринишга интиларди.

Ниҳоят Азиза ўзининг ғаразли мақсадига эришди. Ўктам ҳам билиб-билмай уни ёқтириб қолганди. Тонг саҳарлаб идорада бир-бири билан учрашгунча кўзлари тўрт бўлиб кетарди, иккисининг.

- Азизахон, бундай юрсак тўғри келмайди. Икки хонали уй бўлса, ўзингизга маъқул келса олиб бераман. Қачонгача ишхонада ходимлар кетишини кутиб яшаймиз, - деди Ўктам кунларнинг бирида.

Азиза аслида шу гапни кутаётган эди.

...Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Азиза янги уйга кўчиб ўтди. Кейин улар шаърий никоҳ ўқитдилар. Шу кундан бошлаб Ўктам уни сенлай бошлади. Уят-андишани йиғиштириб қўйишиб, ишга ҳам машинада бирга келишар, кечқурунлари ҳам бирга кетишарди. Ўктам аввалига уйга баъзан у, баъзан бу баҳоналар билан бормай қўядиган одат чиқарди. Гоҳ "Тошкентда командировкадаман" деса, гоҳ "гапдаман", дея важ-корсонлар топарди. Кейин-кейин эса ҳафталаб уйга келмайдиган бўлди. Лекин у барибир хотинини ҳурмат қилар, ўзига айтмаса-да, унинг покиза, виждонли аёллигини ич-ичидан тан оларди.

# "МЕНИ КЕЧИРИНГ..."




"Малоҳат ҳеч қачон Азизанинг қилиқларини қилмайди. У пок аёл. Барибир уни яхши кўраман. Лекин Азизани ҳам ташлаб кетолмайман",-ўйларди у.

Азизанинг мақсади қандай қилиб бўлмасин кундошини эрига ёмон кўрсатиш эди. У ҳар хил режалар тузди. Эртасигаёқ кундошига телефонда овозини ўзгартириб қўнғироқ қилди.

- Эрингизнинг ифлослигини билиб қўйинг, синглим. У котибаси Азизага уйланиб олган. "Постоянний" унинг уйида яшаб, сизни алдаяпти. Эрингизга ишонманг. Кечқурун шу-шу манзилдаги уйга борсангиз, роса вақтида ушлаволасиз, - деди-ю, гўшакни қўйди.

Азиза Малоҳатни эртасига кечқурун уйда кутди. Йўқ, келмади. Индинига ҳам ҳеч қандай садо йўқ. Тоқати тоқ бўлган Азиза 3-4 кундан кейин ўзининг овозидан одоб билан Ўктам "ака"сини сўради. Гарчи бошлиқ йиғилишга кетганини билса-да, Малоҳатнинг ғашига тегиш учун атайлаб уйига қўнғироқ қилди.

- Дадаси йўқ эдилар, - майин овозда жавоб берди Малоҳат. - Ишга кетганди. Мен билолмадим. Сиз котибаси бўла туриб наҳотки билмасангиз? - саволга-савол билан жавоб берди у.

Сўнг паст овозда: "Азизахон, сизда гапим бор эди. Иккимиз холироқ жойда гаплашсак бўларди", - деди.

- Қандай гап экан, опажон? - ўсмоқчилади Азиза. - Майли, унда кечки пайт "Ойгул" қаҳвахонасида учрашайлик, - деди.

- Азизахон, сизнинг эрим билан муносабатингиз ҳақида турли миш-мишлар эшитаяпман. Шу ростми? - деди Малоҳат унинг кўзларига тикилганча. - Тўғри, "Эр бермоқ, жон бермоқ", дейишади. Мен диний илмдан хабарим борлиги учун шу гаплар урчигандан кейин ҳам олдингизга югуриб бормадим. Негаки, сиздан аввалги котиба қиз билан ҳам гап-сўз бўлиб, ундан зўрға қутилганини биламан. Лекин мен кўпчилик аёлларга ўхшаб, эрим ҳақида қанақа гап эшитсам югуриб бориб муштлашмайман. Боиси, Оллоҳ унга инсоф бермаса, бандасининг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Иккинчидан, у фарзандларимнинг отаси. Яқинда учинчи фарзандим дунёга келади. Уч боламни етим қилмаслик учун ҳам хўжайинга фақат инсоф тилайман, холос.

Отаси фарзандларисиз тура олмайди. Улар ҳам дадасини жони дилидан ортиқ кўришади. Нега энди ота-болаларни бир-биридан жудо қилай?! Ҳамиша ардоқловчи отаси ўрнига бегонанинг этагига фарзандларимни солгандан кўра эримнинг бундай хатоларини кечирганим маъқул, деб ўйлайман. Негаки вақти келиб, от айланиб ўз қозиғини топади.

Менга ҳам ўта меҳрибон. Унинг шундайлигини билмасам кўзим кўр бўлади. Гарчи ёлғон-яшиқ гапларни қалаштириб бўлса-да, ҳар куни бир бор ҳолимиздан хабар олади. Албатта "уйим-жойим" дейди. Шунча йил яшаб мени бирор марта на ҳақоратлаганини, на қўл кўтарганини эслолмайман.

Саккиз йилдан бери бир оғиз номаъқул гап айтиб, кўнглини оғритмаганман. Энди нега суюқоёқ аёлларнинг бемаъни ишлари учун шундай эримнинг дилини оғритай. Ахир, ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди, дейишади-ку! Айб ўша ёмон аёлларда, деб ўйлайман. Улар эримни йўлдан уришган, йўқса... У ҳеч қачон менга хиёнат қилмаган бўларди.

Азизахон, сиз ҳам агар хиёнатнинг остонасини ҳатлаган бўлсангиз, бу йўлингиздан қайтинг. Ҳозир ҳам кеч эмас. Ҳеч қачон бировнинг бахтсизлиги эвазига бахтли бўлолмайсиз. Шерикли ош татимайди. Ундан кўра ўзингиз учун ҳалол, бутун оила қурадиган эркакка турмушга чиқинг. Зора, бахтингиз очилиб кетса. Оллоҳдан ўзингизга сабр тиланг, иймон тиланг. Уни дилингизга жо қилсангиз, икки дунё саодатига эришасиз.

Малоҳат оҳиста, мулойимлик билан сўзларди. На жаҳолат, на кибр, на қабоҳат зуҳр эди табиатида. Азиза унинг сўзларидан сеҳрланиб, кундошига тикилганча ўтирарди. Унинг мулойимлиги, ҳалимлиги, ақлли фикр, мулоҳаза юритишларига ич-ичидан тан берди. Шунинг учун ҳам Ўктам ҳеч қачон хотинини ёмон демаслиги, уни ҳурматлаб гапиришини энди тушунди. Бу аёл билан бир марта гаплашиб шунчалар таъсирландики, Ўктам 8 йилдан бери унинг ўрни-ўчоғида, мағизи бутун фикрларини тинглайвериб, унга нақадар ўрганганини энди англади.

Англади-ю, чакки қадам ташлаганига ачинди. Ўзи билан тенгдош бўлган, соддагина аёлнинг теран фикрлашига ҳаваси келди. Гарчи тилига чиқара олмаса-да, ички бир нидо билан виждонан деди: "Кечиринг мени, кундош. Гумроҳлигим, дунёни ўз қаричим билан ўлчаганим учун кечиринг..."

**Саида АҲМАДЖОНОВА,**
**Андижон шаҳри.**

# УШОҚ ҚАДРИ

- Ая, нон егим келмаяпти, овқа-ат.

- Ана, қаймоқ билан еб тургин, ҳозир пишади.

- Қаймоғиз эскириб қопти, емийман.

Онамга хижолатомуз қараб қўйиб, энди қизчамни койимоқчи бўлгандим, оғзимни очгани қўймай, дарров янги қаймоқ солдириб келди.

- Қўй, болам, шугинамнинг кўнгли чўкмасин. Ол, момо қизим, оқ қантдан ҳам сол.

- Бесабр бўлмасин, деб койийман-да.

Иссиқ чойда қанд қум минордек қулашини берилиб томоша қилаётган неварасининг пахмоқ сочларини силаб, алқар экан, онам бир хўрсиниб қўйди.

- Илоё биз кўрган кунларни булар кўрмасин, - деди-да, якандоз четидаги нон ушоғини авайлаб олиб оғзига солди. – Шу ушоқнинг қадри ҳам олтинга тенг эди бир пайтлар.

Мен қачонлардир болалигимда эшитганим, мени тарбиялаган, шукурнинг илк тушунчасини дилимга солган ҳикоялардан бирини, борлиқни унутганча тинглай бошладим.

- Ўшанда очарчилик айни авжига чиққан, дадам қазо қилганига анча йил бўлган пайтлар эди. Яна дегин, синглим бетоб, онам шўрли тонг азонда ўзи емай бизга едириб, катта акаларим билан далага кетарди. Синглим икковимиз билан Исмат акам қолар эдик. Онам қайтгунича очиқиб кетар, уйда ушоқ ҳам йўқлигини била туриб, дастурхон, қозон –товоқ титкилаб, егулик излайверардик.

Шолча ости ёки каваклардан дон – дун, буғдой топиб олсак, қувонишимизни кўр!

Исмат акамнинг зиммасида ҳам энагалик, ҳам рўзғор юмушлари. Устига–устак эрталаб онам: "Сен каттасан, ўғил боласан, укаларинг тузукроқ емаса бўлмайди", - деб, бир бурда ноннинг ҳам бир қисмидан бебаҳра қолиб кетган. Ўша куни очлик ҳам жон–жонидан ўтиб кетди шекилли, ун халтани титкилаб қолди. Кейин хонтахтани суриб, кеч кузнинг совуғи туфайли сандалга солинган чўғни бир жойга тўплади. Аввал ухлаб ётган синглимга, кейин менга қараб ўйланиб қолди.

-Сурма, ҳозир ажина келади, сен сандиққа кириб ётиб тур.

Қўрқиб кетдим.

- Нега келаркан? Укам-чи?

- У ухлаяпти, унга тегмайди. Мен сени ухлаяпти, деб айтаман, хўпми?

Юрагим дукурлаб, акам меҳробдаги сандиқни очиши билан ичига кирдиму, дадамнинг эски тўни устида мук тушиб ётиб қолдим. Сандиқ ёриқларидан кирган ним шуълаларга термулиб қанча ётдим, билмайман. Ўшандаям юввош эканман, "миқ" этмабман. Бир маҳал димоғимга иссиқ зоғора нoннинг ҳиди "гуп" этиб урилди. Энтикиб кетдим, ажинани ҳам унутдим.

-Ака, очинг, акўв!

-Жим тур, ука, ажина кетсин.

Бу ёқда нон ҳиди жон-дилимни қўзғаб, остин– устин қилади. Сандиқ ёриғидан қарасам, акам кафтдек хамирни юпқа қилиб капгир устига қўйиб, чўғ тепасида ушлаб турар, иккинчи қўлидаги зоғора кулчани оғзи куйганча чайнаб-чайнамай ютар эди... Энди йиғини бошладим. Дарров сандиқ очилди. Иккинчи кулчани уччовимиз баҳам кўрдик. Ҳа, болам, шунақа кунлар ҳам бўлган. Лекин ҳаммасидан аянчлиси укам шолғом қайнатиб кун кўрган пайтларимизда шишиб ўлган...

Онам бирдан тўхтаб, қизчамга термулиб қолди. Янги қаймоқ бузилмай турар, эркатойим кўзларини биздан яширганча, кечаги қаймоққа нон ботириб ер эди.

**Гулчеҳра АСРОНОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Олдимга келгач Маҳбуба минг хижолатда бояги қизни менга таништирди.

- Опачам Руқия, - деди-да, кейин мени ким деб таништиришни билмай баттар оловланди. - Танишим, Аҳмад ака, - деди базўр. Опаси "уриниб қоласан, пастга тушма" дея шу ернинг ўзида у билан ҳам, мен билан ҳам хайрлашиб, зинадан тушиб кетди.

-Ноқулай бўлди-ю, - дедим иккимиз қолгач.

- Опачам яхши қиз, мени тушунади, - деди у.

- Бояги саволим жавобсиз қолди, - дедим мен гапни улаш учун узилиб қолган суҳбатимизга қайтиб.

-Нимайди ўзи?

- Қачонгача эртак ўқийсиз, деб сўрагандим...

- А... Билсангиз, баъзан эртаклар ҳақиқатдан яхшироқ бўлади. Эзгулик,

# БИР СЕВГИ ҚИССАСИ



меҳр-муҳаббат, орзу-умидлар тантанаси бор уларда...

- Нафрат ҳам, ёвузлик ҳам бўлади-ку!

- Ҳар ким ўзига керагини топиб ўқийди-да! Ёвузлигу ёмонликнинг умри қисқа бўлгани яхши. Менинг ҳаётим ҳам бир умр эртакка айланиб қолса дейман. Ажабмас! - Унинг кўзлари намланди.

- Хафа бўлманг, ҳаммаси яхши бўлади. Тузалиб кетгач, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ахир ким ҳам касал бўлмаган, дейсиз?

-Умр - эртак. Ҳаёт - эртак. Ўтмишу келажак - эртак. Ҳаммаси - бир эрмак! - у кўзларидан дув-дув оқаётган кўз ёшларини халатининг енги билан енгилгина артди. - Агар катта ёзувчи бўп кетсангиз бир илтимосим бор эди.

-Айтинг!

- Ўшанда фурсат топиб мен- ангренлик бечора бахтсиз қиз ҳақида ҳам ёзинг. Бир эртакдек, бир чўпчакдек қилиб ёзсангиз ҳам майли. Мени эртакдаги фаришта-ю малоикаларга, айни ўша кўз кўрмас малоикаларга ўхшатиб ёзинг!.. Ҳар кун келиб кўнглимни кўтарганингиз учун сизга раҳмат! - У кафтларини юзларига босганча ҳўнграб хонаси томон чопиб кетди. Фақат ҳамшира қиз ёнимга келиб, кўлимга бир парча қоғозни бериб кетгандан кейин ўзимга келдим...

"Аҳмад ака, келганингиз учун раҳмат! Билмайман, нимагадир сизга ўрганиб қоляпман... Телефонда гаплашганимиздан буён ҳали ўзингизни танимасдан туриб нимагадир келишингизни кутгандим. Келиб хаста кўнглимни кўтарганингиз учун яна бир бор раҳмат! Негадир сизни яқинда кўриб таниган бўлсам ҳам, гўё сизни аллақачонлардан бери билгандекман.

Яқинда янги йил. Аввало мана шу байрам билан сизни олдиндан табриклайман! Уйланмаган бўлсангиз яхши жойлардан ато қилсин! Бахтли бўлинг! Мени - давосиз дардига шифо излаб юрган бир бечора касал синглингизни эслаб юринг!

Янги йилга жавоб берамиз дейишяпти. Қандай яхши - янги йилни уйда, оила даврасида ўтказиш ! Илоё, янги йилни уйда ўтказиш насиб этсин.

Янги йилдан кейин Тошкентга даволанишга бораман. Шифокорлар шундай дейишяпти. Манзилингизни қолдириб кетсангиз, ўзим қачон боришимни хабар қиламан.

Энди хайр!

Ҳаммаси учун Сиздан яна бир бор миннатдорман! Одобсизлик қилиб, олдингиздан кетиб қолганим учун узр. Шунақа бўп қолди. Кўнглим бўшаб кетди.

Ангренлик бахтсиз синглингиз Маҳбуба!" ... декабр 198... йил.

Ўшанда унинг кўп сирли эртакнома айтган гапларини ҳам, ҳўнграб йиғлаб кириб кетиши сабабини ҳам, хатдаги баъзи сўзлар маъносини ҳам дурустроқ тушуна олмадим. Фақат ўша қоғоз орқасига "Нима бўлганда ҳам мен бир нарсани тушундим: мен Сизни севиб қолдим, Маҳбуба! Буни ўзингизга айтмоқчи эдим, айтолмадим, аммо айтмасдан Ангрендан кета олмас эканман.

Хайр! Ўзингизни эҳтиёт қилинг! Тошкентда албатта сизни кутаман, боргач, тезда хабар беринг!" деб остига манзилимни ёзиб, унга киритиб юбордим.

Тошкентга қайтибманки, тинчим йўқ. Ҳар дақиқада Маҳбуба билан боғлиқ хотираларни - у билан қандай танишганимни, телефондаги сўзлашувларимизни, илк учрашганимиздаги Жамиланинг халатидан тортиб юзлари дув қизариб унинг ортига беркинганча тим қора шаҳло кўзларини мўлтиллатиб туришларини, опаси келганда уялганидан дув қизариб кетган ёноқларини ўйлаганим - ўйлаган эдим. Борай дейман, ахир Ангрен нима деган жой, унинг олдига деса дунёнинг нарига бурчагига ҳам учиб боришга тайёрман. Аммо эрта-индин Янги йил, уйга жавоб беради деган. Қани энди тезроқ Янги йил ўта қолса-ю уни кўрсам...

Ниҳоят Янги йил ҳам ўтди. Бир куни ишдан қайтсам менга хаткелибди. У Маҳбубадан бўлиб қисқагина эди.

"Ассалому алайкум, Аҳмаджон ака Янги йилни яхши кутиб олдингизми?

Менга ҳам жавоб беришганди, уйда кутдим.

Ҳозир Тошкентдаман - Тахтапулдаги 1-шаҳар шифохонасининг 1-жарроҳлик бўлимида. Кўришгунча!

Ўша Маҳбуба! ... январ, 198... йил.

Кеч бўлиб қолган бўлса-да, эртани кутишга ҳам сабрим чидамади.Келганимни эшитиб у тезда чиқди. Қўл узатиб қуюқ сўрашдик. Кейин узоқ гаплашдик. Соғиниб, гапларимиз ҳам роса йиғилиб қолган экан. Чамаси бу дунёда биз сўз юритмаган мавзу қолмади, ҳойнаҳой. Қанча суҳбатлашмайлик камлик қилаётгандек туюларди. Тўғриси, суҳбат баҳона дийдор ғанимат эканлигини иккимиз ҳам дил-дилдан сезиб турардик.

- Маҳбуба Сизни учратганимдан буён мен ҳам ўзимга нима бўлаётганини билмайман. Ўшандан буён сизни ўйлаганим-ўйлаган...

У чурқ этмай одатича ерга қараб олди. Мен дадиллашдим.

- Сизни яхши кўриб қолдим, - дедим хаяжондан чўғдай қизариб. Кейин Маҳбубанинг қўлларини секин қўлимга олдим ва беҳос уни ўзимга тортиб лабларидан ўпиб олдим. У аввалига нима бўлганини билмагандек қаршилик қилмади, сўнгра ўзига келиб, бирдан хушёр тортиб йиғлаб юборди-да, бошини секин елкамга қўйди. Нима деб овутишни ҳам билмай аста сочларини силадим, кейин кўз ёшларини бармоқларим орқаси билан аста артдим.

- Нега йиғлайсиз? Нега хафа бўласиз,! Ёки...

-Мен... умримда биринчи марта бунақа гапларни эшитишим... аммо... мени севманг! Мен ёмон қизман!

Галати бўлиб кетдим.

-Нега унақа дейсиз, Маҳбуба?

- Мени, мени ҳеч ким севиши мумкин эмас.

- Мен ҳам-а?

- Сиз ҳам... - унинг кўз ёшлари дарё бўлиб қуйилди. - Сиз яхшисиз. Сизга ёлғон ваъда, ёдғон бахт ато қилолмайман. Яхшиси мени севманг! Унутинг! - у шу гапларни айтаркан мендан ўзини олиб қочмас, аксинча ҳамон бошини кўксимга қўйганича унсиз йиғлар эди. Мен эса унинг гапларини қандай тушунишни ҳам, унинг кўнглида асли нималар кечаётганини ҳам билолмай гаранг эдим. Мени севманг дейди-ю... Ахир унда нега бунақа гапларни айтади?!

Хайрлашаётганимизда яна унинг ғунча янглиқ лабларидан оҳиста ва узоқ ўпдим. У энди боягидек гапларни гапирмас, менинг эркалашларимга ҳам ортиқ қаршилик қилмасди, аммо ҳамон унсиз кўз ёш тўкишини қўймас ва бунинг сабабини менга очиқ-ойдин айтмасди.

Кетаётганимда у шундай деб қолди.

-Яна ҳафта-ўн кун шу ердаман. Келиб турасизми?

- Албатта! Ҳар куни келаман! Ахир мен сизни, севгимни, узоқ кутган муҳаббатимни излай-излай энди топдим-ку! Ахир, Маҳбубани, ўз Маҳбубамни топдим-ку!

- Илтимос, сиздан жон Аҳмад ака, бунақа гапларни гапирманг! Менга келиб турсангиз бас! Шунинг ўзи менга катта бахт, ҳаёт берган катта инъом, катта мукофот! Тақдирнинг қилган катта эҳсони! Далдаси!

- Кейин-чи?

- Кейинини кейин биласиз, - у оппоқ, узун-узун бармоқларини яна савол бериш илинжида жуфтлаган лабларимга оҳиста босди. Фақат илтимос, севги-муҳаббат ҳақида бошқа гаплашмайлик...

Ажралишимиз олдидан у яқин келиб юзимдан чўлп этиб ўпди-да, қўлларимда турган қўлларини силлиқ суғириб олганича индамай югуриб кетди.

Мен шу кундан бошлаб севгининг, ҳақиқий муҳаббатнинг илк бўсалари оташидан маст-аласт эдим. Ҳар куни ишдан чиқа солиб Маҳбубанинг олдига ўқдек учардим. Оқшомлари яна борардим. Шунда биз икки севишганлар бир-биримизнинг пинжимизга суқилганча бу дунёдаги бору йўқ гаплардан эҳтирос ила узоқ гаплашардик. Аммо мен юрак ютиб унинг ҳақиқий дарди ҳақида тузукроқ сўрай олмасдим, ўзи ҳам бу ҳақида чурқ этмасди. Мен эса унинг нозик-ниҳол қалбига озор бериб қўйишдан чўчиб сўрашга, бу ҳақида сўз очишга ҳайиқардим.

Хайрлашиш онлари яқинлашганда эса иккимизнинг қўлларимиз ҳам гўё бир-бирига чирмашиб кетган печакгуллар каби ажралишни истамас, мана шу кафту бармоқлардан ўтган тафту ҳарорат ҳам кўз қарашларимиздан олган олган тафтга қўшилиб бутун вужудларимизни қиздириб борарди. Мен Яратганнинг ўзи бизга тухфа қилган бу онлар узоқ давом этишини истардим. Ва албатта Маҳбубанинг тузалиб кетишига ва менга келгусида вафодор ёр бўлишига ҳам куннинг ёруғлиги қандай рост бўлса шундай ишонардим. Бошқача бўлиши-ни - ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу бўлишини, бу чароғон кунлар ҳам тез орада қора тунларга алмашишини ўшанда тасаввуримга ҳам сиғдира олмасдим. Не илож, Оллоҳнинг бандаси эканмиз, зоримиз бору зўримиз йўқ Бу фараҳли онлар ҳам, кунлар ҳам биз танишган қиш кунларидек қисқа экан. Пешонамга муҳаббатнинг лаззатидан кўра аччиқ қисматини тортиш кўпроқ битилган экан.

Сўнгги кўришганимизда унинг ранги сал бошқача, руҳи ҳам синиқ эди. Ҳеч унинг олдидан кетгим келмасди. Ўзи ҳам ҳар галгилардек "кетинг, энди кеч бўлиб қолди" демасди. Унинг шу куни айтган гаплари эса ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради.

- Аҳмад ака, ҳаммаси учун раҳмат. Эртага келмасангиз ҳам майли. Мен Ангренга - она юртимга, она тупроғимга қайтаман.

Шунда ҳам мен нодон, мен галварс, хом сут эмган банда,ўз севгисидан телба шодон бир худбин нима гаплигини ҳам дурустроқ англамабман, сўраб-суриштирмабман. Ва бунинг ўрнига эса мен аҳмоқ бемавруди ҳазил қилибман.

-Ангрен узоқ эмас, барибир Сизни топаман, Маҳбуба.

У зўраки бўлса-да, кулди. Аммо кўзлари тўла жиққа ёш эди...- Илтимос, мени ортиқ изламанг, Аҳмад ака!

Эртасига ишдан кейин ҳар галгидек касалхонага бордим. Унинг палатасидан мениг олдимга у эмас, Ангрендаги шифохонада дуч келган опачаси Руқия чиқиб келди: сочлари тўзиган, ўзи бир алпозда, йиғидан шишиб кетган кўзлари қип-қизил... Мени кўриб кафтини юзларига босганча ҳўнграб юборди. Юрагим орқага тортиб кетди.

-Операциядан... Энди у йўқ. Жигаригинам, менинг жондан азиз синглим энди йўқ! Нима кўрди бечора бу дунёга келиб... Ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган эди бечора, синглим!

Вужудум тош қотди. Кейин бошимни чангаллаганча ҳўнграб юбордим. Кўзларимдан дув- дув ёш оқарди. Фариштадек беозор Маҳбубам... Менда, мен аҳмоқда не-не орзу -умидларни уйғотиб, юрагимга илк муҳаббат уруғини сочиб, мени ташлаб вужудимни қақшатиб қайларга кетдингиз-а? Наҳотки, Тошкентга шу ният билан - мени-ю ўзингизни адои-тамом қилгани келганмидингиз? Наҳотки, дардингиз шунчалар оғир, бедаво дард бўлган бўлса? Ахир шунча кун ҳасратлашиб, дардлашиб ўз дардингизни, бу дунёнинг ёшгина вужудингизга солган жабру ситамларидан бир оғиз чурқ этмадингиз! Наҳотки, шунча катта шаҳарнинг катта докторлари ҳам дардингизга даво тополмаган бўлса?

Телбалардек коридор бошида куппакундузу куни йиғлаб турарканман, Руқия "мен ҳозир" деганча Маҳбубанинг хонасига кириб кетди. Бир оз ўтгач қайтиб чиқиб қўлимга бир конверт тутқазди, "Маҳбубадан" деди-ю йиғлаганча ортига қайтди. Маҳбубани йўқотганимга ишонмай довдираганча унинг ортидан палатага кирдим. Бурчакдаги у ётган темир каравот бўм-бўш эди...

Ҳўнграганча юзларимни чангаллаб у ердан отилиб чиқиб кетдим. Ғамбода қалбимга хатни очиб ўқиш ҳам сиғмади...

(Давоми 16-бетда)

# АЁЛ РАШКИ



***Аёллар рашки ҳақида билиб қўйиш ҳар бир эркак учун фойдадан холи бўлмайди. Агар аёлингиз сизни оз-моз рашк қилиб турса, бу унинг сизга нисбатан бефарқ эмаслигини кўрсатади. Лекин кўр-кўрона рашк деган нарса ҳам борки, ундай ҳолда аёл сизни ҳар кимдан ва ҳамма нарсадан рашк қилаверади, бир сўз билан айтганда, ҳолингизга маймунлар йиғлайди, деяверинг. Буни бир қанча ҳолатлардан билса бўлади.***

**БИРИНЧИ ҲОЛАТ.** Сиз бошқа аёлларга шунчаки қараб қўйсангиз ҳам унинг жазаваси қўзийди. Умуман аёллар ўзлари ҳузурида бошқа заифалар ҳақида гапирган ёки уларга қарайверган эркакларни ёқтиришмайди. Лекин аёлингиз автобусда кетаётганингизда ёки бирор тўйда қайта-қайта “ҳов анави сариқ сочли хотинга (ёки қизга) мунча кўп қараяпсиз”, деб қолдими, билингки, аслида шундай ёки шундай эмаслигидан қатъи назар, рашк меъёри бузила бошлаган. Бундан ташқари, у бошқа хотин-қизлар (ҳатто кўчадан ўтиб кетаётганлар) билан ҳар қандай мулоқотингизни чеклашга уринаверса ёки айтайлик “бунча ғаркўз бўлмасангиз” деб журнал муқоваси ёхуд киноактрисалар суратини қўлингиздан олиб қўйишга уринса, аёлингиз рашки меъёрдан ошиб бўлган деяверинг.

**ИККИНЧИ ҲОЛАТ** У сизнинг ўз дўстларингиз билан учрашишингизга тўсқинлик қилаверади. Борди-ю бир амаллаб эски қадрдонлар билан пивохўрлик қилиш насиб этган тақдирда ҳам уйда сизни дахмаза-ю, сўроқлар кутиб турган бўлади. Бундай суриштирувда тахминан қуйидаги саволлар албатта бўлади: “кимлар бор эди”, “кимлар билан ўтирдингиз”, “ёнингизда ким ўтирган эди”, “у нима деди”, “сиз нима дедингиз”, “соат нечагача ўтирдинглар”, “йўл-йўлакай бирор жойга кирмадингларми” ва ҳ.к. Бу ҳам рашк меъёри бузилганлигини кўрсатади.

**УЧИНЧИ ҲОЛАТ.** Оддий ҳаракатларингиз ҳам унда бошқача тушунча пайдо қилаверади. Унинг ёнида бўлмаган ҳар бир дақиқангиз шубҳа уйғотаверади ва бундан у ўзингизга қарши фойдалана бошлайди. Ҳеч нарса – қариндошларингизникига борганингиз ҳам, ота-онангизни кўриб келганингиз ҳам, ишда бўлганингиз ва ҳатто диванда шунчаки газета ўқиб ётганингиз ҳам бундан истисно эмас. Буларнинг ҳаммасини у безаб-чаплаб, кейинчалик ўзингизга қарши далил сифатида ишлатиб қолиши мумкин.

**ТЎРТИНЧИ ҲОЛАТ.** У сизнинг дўстларингизни сўроқ қила бошлайди. Дўстларингиздан сиз унга айтмаган нарсаларни сўраб-суриштиради, хуллас уни алдаётганингизни тасдиқламоқчи бўлади. Бўлмасам-чи, ахир бунга унинг ишончи комил-да!

**БЕШИНЧИ ҲОЛАТ.** У кутилмаганда сиз дўстларингиз билан ўтирган жойда (айтайлик, пивохонада ёки бирорта кафеда) пайдо бўлиб қолади. Тасодифан ўтиб кетаётувдим, кўриб қолдим дейиши мумкин. Аслида бу олдиндан режалаштирилган. У дўстларингиз билан ўтиришингизга қарши эмаслигини, ҳатто ўзи ҳам ёнингизда қолиши мукин эканлигини айтади ва шу заҳотиёқ агар сиз, мен дўстларингиз бирга ўтиришимиз мумкин экан, келинг яхшиси уларсиз иккаламиз уйда ўтира қолайлик деган изоҳни қистириб ўтади. Эркаклар ҳал қиладиган масалани муҳокама қилаётганлигингиз ҳақидаги гапингиз унинг қулоғига ҳам кирмайди.

**ОЛТИНЧИ ҲОЛАТ.** У сизнинг ишхонада биров билан “юраётганлигингиз”га ишончи комил. Буни “кўнглим сезаяпти”, “аниқ биламан” каби иборалар билан тасдиқлаб туриши мумкин. Ҳар гал ишда ушланиб қолганингизда у сизни “фалончи ходимангиз билан бирга эдингиз” дея айблайди. Бир куни кутилмаганда ишхонангизга кабинетингиз эшиги ичдан қулфланмаганига ишонч ҳосил қилиш учун кириб келса, ҳеч ҳам ажабланманг. Чунки уни ақли эмас, балки кўр-кўрона рашки бошлаб келади-да.

**ЕТТИНЧИ ҲОЛАТ** Қўни-қўшнилар олдида, кўча-кўйда одамлар орасида рашкини намоён қилиб қолиши мумкин. Бунақасини бозорларда бир неча бор кўрганман. Бунга изоҳнинг ҳожати ҳам йўқдир.

**САККИЗИНЧИ ҲОЛАТ.** У сизнинг бўйдоқ (ажрашган) дўстларингиз билан мулоқотда бўлишингизга қарши. Сиз мулоқотда бўладиган кишиларнинг ҳар бирини у ўз мулки(яъни сиз)га хавф соладиган киши деб била бошлайди. Шунинг учун унинг наздида бўйдоқ дўстларингиз алоҳида хавфли шахслардир, чунки улар турли аёллар билан бемалол гаплашиб юра оладилар-да.

**ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲОЛАТ.** Унга содиқ эмаслигингиз тўғрисидаги айбловлар доим ёғилиб туради. Ҳатто сиз ундан бошқа ҳеч кимни демаслигингизни исботласангиз ҳам, кўп ўтмай бу айбловлар яна бошланади.

**ЎНИНЧИ ҲОЛАТ.** У сизни доимий назоратда ушлаб туради. Бир кунда бир неча бор телефон қилади, ўртоқларингиз ва танишларингиздан нима қилганлигингиз ёки қилмаганлигингизни сўраб суриштиради, қўйингки, сиз унга бирор нарсани, масалан ишхонангизга ёш ва чиройли янги ходима келгани ҳақида айтмаганингизни, хуллас уни алдаганингизни исботлашга уринади (бир танишимнинг хотини шунчалик рашкчи эканки, эрининг уяли телефонидаги номерларни, электрон манзилидаги ёзишмаларни текшириб юрган, кун бўйи кимлар билан гаплашганлигини сўраб, телефон станциясидан эри қилган қўнғироқлар рўйхатини олган ҳам экан). Қўйингки, у сизнинг аслида йўқ хиёнатингизни фош қилишга интилади.

*Бу ҳолатлар юзага келган бўлса, нима қилиш керак. Сабр. Сабр қилиш ва унга ҳар қандай рашк меъёр доирасида бўлгандагина, муносабатларингизни бузишга эмас, мустаҳкамлашга хизмат қилишини тушунтириш, унинг сизга ўз мулки ёки буюми сифатида қарашига чек қўйиш, аста-секин аёлингизнинг дунёқарашини ўзгартиришнгиз лозим. Тил топа билиш – соғлом муносабатнинг муҳим шартидир. Бунда сизга тўзим берсин.*

*Дарвоқе, бояги танишим бошқа йўлини топганди: кўр-кўрона рашқдан безор бўлгач, шартта ажрашди-қўйди. Лекин бу йўлни танламаганингиз маъқул. Ҳар ҳолда келишув яхши нарса-да.*




# ТУТУН ТОРТИБ ОЛАСАН АЗОБ

**Одамлар тамаки чекишни бошлаганларидан буён анча замонлар ўтиб кетди. Лекин ҳалигача биз эркаклар (беихтиёр, ҳозирги кунда аёллар ҳам дегинг келади) сигарета чекиш орқали қандай заҳар истеъмол қилаётганлигимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз ёки ўйласак-да, жонимизга жабр қилаётганлигимиз хаёлимизга ҳам келмайди. Ўзимизча сигаретанинг зарари йўқлиги ёки унинг хавфини камайтириш мумкинлиги тўғрисидаги ҳар хил афсоналарга ишониб юрамиз.**

**БИРИНЧИ АФСОНА Энг зарарли сигарет – никотиндир.** Бир томчи никотин отни ўлдириши ва рак келтириб чиқариши мумкинлигини ёш бола ҳам билади. Лекин битта сигарет чекиб бўлгунингизча 0,1 дан 0,8 миллиграмгача никотин ютасиз. Шундай экан бояги афсонадан келиб чиқиладиган бўлса, бир қути сигарет чекиб бўлганингиздан кейин (кечирасиз-у) жойингиз қабристонда бўлиши керак эди. Аслида ниотиннинг ўзи канцероген ҳисобланмайди, авваламбор наркотик бўлиб, унга ўрганиб қолишга олиб келади ва чекишга ундайверади-ундайверади. Чекишни бошладингизми тутун билан бирга сигарет смоласида мавжуд бўлган ҳақиқатан ҳам хавли моддалар организмингизга кириб боради.

**ИККИНЧИ АФСОНА. Сигара ва трубка чекиш хавфсизроқ эмиш,** чунки уларни чекканда тутун ичга тортилмас эмиш. Бу хуморбосди воситалар ҳақиқатан ҳам ўпка ракини камроқ келтириб чиқаради, ростдан ҳам уларни чекканда тутунни ичга ютиш одат эмас. Бироқ айнан сигара ва трубка чекиш томоқ ва оғиз бўшлиғи (асосан лаб атрофи) раки пайдо бўлишига хизмат қилади.

**УЧИНЧИ АФСОНА. Тамаки чекиш асабларни тинчлантиради ва стресслардан сақлайди.** Бунисига нима дейсиз. Аслида тамаки таркибидаги моддалар (смола, никотин, тутун ва бошқалар) асабларни тинчлантирмайди, балки марказий асаб тизимининг муҳим участкаларини вақтинча “тормозлаб” қўяди. Ахийри сигаретга ўрганиб қолган одам, усиз тинчлана олмайдиган бўлиб қолади. Одам иложсиз ҳолга тушиб қолади: стресс юзага келиши ҳам, ундан қутулиш ҳам чекишга боғлиқ бўлиб қолади.

**ТЎРТИНЧИ АФСОНА. Чекадиган одамларнинг қомати узоқ вақт қотмалигича қолади.** Бўлмаган гап. Биринчидан, атрофга бир қарасангиз, бурқсиб тутун тортаётган кўплаб хомсемизларни кўрасиз. Иккинчидан, сигарет билан очлик ҳиссини ўлдирарказсиз, гастрит ва ошқозон ярасига дучор бўлишингиз ҳеч гапмас. Учинчидан, чекиш ёрдамида озиш – ўзига юқумли касаллик юқтириш ва кун сайин “ориқлаб” адо бўлиш билан баробардир.

**БЕШИНЧИ АФСОНА. Юмшоқ сигаретларнинг хавфи одатдаги сигаретларникидан камроқ** эмиш. Доим юмшоқ сигарет чекишга одатланган одамлар тутунни кўпроқ ва узоқроқ ичга тортадилар. Бу эса кейинчалик ўпканинг ўзини ракка дучор қилмаса ҳам унинг атрофидаги органлар, яъни танглай ва қизилўнгач ракини келтириб чиқаради.

**ОЛТИНЧИ АФСОНА. Чекиш диққатни жамлашга ёрдам берармиш.** Аслида асаб тизимини никотин билан рағбатлантириб туриш миянинг энергетик имкониятларини чеклаб ташлайди. Тамаки ўзига хос рағбат шаклини олади, яъни мураккаб ақлий меҳнат бажараётганда одам кетма-кет чека бошлайди. Бунда у ўзини гўёки диққатимни жамлаяпман, деб овутади. Аслида эса кетма-кет чекиш айнан шу диққат етишмаслигидандир.

**ЕТТИНЧИ АФСОНА. Никотин дозасини аста-секин камайтириб бориш орқали чекишни ташлашнинг иложи йўқ.** Аслида шу йўл билан ҳам чекишни ташлаш мумкин. Тўғри бу бироз қийинроқ, лекин барибир бунинг иложи бор. Шундай бўлса-да, кунига 10 та ўрнига бешта сигарет чекиб юргандан кўра, никотин терапиясидан фойдаланган яхшироқ. Бундай терапияда одам чекишдан воз кечгандан кейинги дастлабки вақтларда организмга маълум дозада никотин киритилади. Бу билан хумор қилиш синдромининг таъсири пасаяди. Шунингдек, таркибида никотин мавжуд бўлган сақичлар, пластирлар, сўрғич конфетлар, аэрозоллар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Хўш, ўзингиз ишониб юрган афсоналарнинг бир пулга қиммат эканлигини билдингизми? Унда келинг чекишни ташлаймиз.

**Норсафар ИМОМОВ тайёрлади.**

## ТУЗ—ҲАЁТ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН МОДДАДИР!



СОҒЛИҒИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

# ФОЙДАСИ ҲАМ, ЗАРАРИ ҲАМ БОР...

***Ош тузидан бутун дунё халқлари фойдаланади. Кўп халқларда нон ва туз билан энг азиз меҳмонлар кутиб олинади. Айтишларича, таом ейиш ош тузи билан бошланиб, яна ош тузи билан тугалланса, инсон ўзини 72 хил касалликдан асраши мумкин экан.***

Бироқ германиялик парҳезшунослар ош тузи инсон танаси учун хавфли модда, деган хулосани эълон қилишгач, кенг миқёсда тузсиз парҳез қилиш бошланди. Одамларда туз ва тузли маҳсулотлар истеъмол қилишни камайтириш керак экан,-деган фикр пайдо бўлди. Аммо, бугун вазият яна ўзгармоқда. Ош тузи истеъмол қилишга нисбатан икки хил фикр, икки хил ҳақиқат пайдо бўлмоқда.

Тузсиз парҳез, яъни, танадаги туз танқислиги томирлар тиқилишига сабаб бўлиб, инфаркт хавфини келтириб чиқарар экан. Тузни ҳаддан ташқари кўп истъемол қилиш эса қон босимини ошириб, инфаркт ва инсультга сабаб бўлади.

Бироқ, туз таркибида нафақат кимёвий бирикмалар, балки магний, кальций ҳам бор. Танада натрий моддаси етишмаса, ошқозоности безлари овқатни ҳазм қиладиган сўлак ишлаб чиқара олмайди. Шунингдек, натрий танадаги барча суюқликлар учун зарур модда бўлиб, у мушаклар қисқаришида ҳам иштирок этади. Бу модда эса табиий маҳсулотларда эмас, балки фақат туздагина учрайди. Танадаги натрий ва хлор моддаси ҳар доим таъминланиб турилиши керак. Чунки бу моддалар танада ишлаб чиқарилмайди. Аксинча, сийдик ва танадаги бошқа ажралмалар билан чиқиб кетади. Лекин натрийнинг танада ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши эса калий танқислигига сабаб бўлади. Бу ҳол сут ва сабзавотлар кам истеъмол қилинганда рўй беради. Калий танқислиги эса юрак фаолияти бузилишига сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда туз тана учун ҳам фойда, ҳам зарардир. Яна бир томондан эса туз қон босими пасайиб кетган (гипотоник)лар учун ҳам фойдали бўлиб, у беҳолликни йўқотади. Аёллар ҳайз кўрганда, шунингдек, жисмоний зўриқиб, оғир юк кўтариб ишлаганда ҳам тузли таомларни кўпроқ истеъмол қилишса, тетиклашадилар. Иштаҳаси йўқ кишиларга эса тузни озроқ нонга сепиб ейиш тавсия этилади. Бу овқатдан олдин ейилса, дарҳол иштаҳани очади.

Америкалик олим Майкл Элдерман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиб соғлиқни сақлаш ташкилотлари одамларга тузсиз парҳезни бас қилишни тавсия этишлари зарур,-деган талабни қўйди. Олим йигирма йил давомида мижозларига тузли ва тузсиз парҳез қандай таъсир қилишини ўрганиб чиқиб шу қарорга келган.

Нафас олиш йўллари ва диққинафас хасталигини махсус туз конларида даволашади. Шамоллаганда қиздирилган туз читдан тикилган халтачага солиб, пешона, бурун, ўпка соҳасига, бод касалини даволашда эса белга қўйилади. Тузланган карамдан 0,5 стаканига туз қўшиб, бир ой давомида ҳар куни ичилса, ичкиликбозликдан фориғ қилади.

Бурундан қон кетганда 1 чой қошиқ туз 1 стакан сувда эритилади. Бу муолажа ҳар куни шу эритмани 10-15 марта бурун билан тортиб, 10 лаҳзадан сўнг чиқариш орқали бажарилади.

Милк касалликларини ва қимирлаб қолган тишларни мустаҳкамлашда ҳам тузнинг фойдаси катта. Парадонтозда 5-10 грамм туз 20 грамм асалда эритилади-да, милкларга сурилади. Ари, қовоқари чаққанда туз билан асал аралашмаси катта ёрдам беради, шунингдек, илгари аёллар юзларидаги сепкилларини тузли сув билан йўқотишган. Бунинг учун 1 стакан илиқ сувга 1 чой қошиқ туз қўшиб сепкилларни артишган.

Уруш пайтида тузли эритма билан яраларни тузатишган. Тузли сувни қуйидагича тайёрлашган. 1 литр дисциллланган, қор ёки ёмғир сувини олишиб, 100 грамм туз қўшишган. Туз қўшиладиган сув ниҳоятда тоза бўлиши керак. Яраларни тузатиш учун бу аралашмага докани ботириб 9-10 соатгача боғлаб қўйишган. Тузли боғлама шамоллаш, шиш ва куйган яраларни бир ҳафтада тузатади. Пневмония, бронхит, тумов, гайморит, кичик тос хасталиклари (бавосил, миома, аденома) ва бошқа кўп касалликларни даволашда ҳам тузли эритма фойда беради.

Тери касалликларидан экзема, темиратки ва қичишишни ҳам тузли эритма билан даволашган. Шунингдек, жароҳатларни туз ёрдамида тузатиб, бошланаётган тери саратон хасталигини, бодни даволаш мумкин. Бунинг учун яхши коньякдан олиб, 3/4 миқдорида шишага тўлдирилади. Сўнг устига майда, қуруқ туз солиниб, яхшилаб чайқатилади. Туз шишанинг тубига чўккандан кейин аралашмани истеъмол қилса бўлади. Бу аралашмадан ҳар куни эрталаб то нонушта қилгунча 6 ош қошиқ қайноқ сувга 2 ош қошиғи қўшиб ичилади. Колитда эса бу муолажани ҳар 2-3 соатда бажариш тавсия этилади. Куйган тери ва яраларни ювишда эса аралашмага сув қўшмасдан ишлатилади. Бош қаттиқ оғриганда эса бошнинг уст қисмини ушбу аралашма билан 15 дақиқа давомида уқалаш лозим.

**Товондан суяк ўсиб чиққанда ва туз йиғилганда:** 1 стакан йирик туз 0,5 литр коньяк ва 3 дона аччиқ қалампир шишага солиниб, 5 кун қоронғи жойда сақланади-да, компрес қилинади. Бел оғриганда эса қуйидагича муолажа тавсия этилади: 250 граммдан асал, туз, 2 ош қошиқдан ичимлик содаси ва спирт аралаштирилиб, тайёр бўлган бўтқадан кунига 2 маҳал 4 кун давомида сурилиб, белга компресс қилинади.

**Бел, бўғинлар ва мушакларда оғриқ бўлса:** 1 ош қошиқ скипидар, ўсимлик ёғи, сирка ва хом тухум қўшиб малҳам тайёрлаб, муолажа қилинади. Бод учун малҳам эса, 100 грамм майдаланган фикус барги, 100 грамм ароқ ва 1 чой қошиқ туз қўшиб тайёрланади. Шишни йўқотиш учун эса 4 ош қошиқ асал ва нордон квас аралашмасида 12 дона пиёз қайнатилади. 1 ош қошиқ туз қўшилади. Ушбу дамлама кунига 5 маҳал, 1 ош қошиқдан ичилади.

**Полиартрит ва оёқ оғриғини даволашда:** тузли ванна ёрдам беради. Бундай ванна 1 кило қарағай ниначалари (сосна) ва 1 стакан туз қўшиб тайёрланади. Ушбу ваннада уч кун давомида 1 маҳалдан чўмилиш кифоя қилади.

**Томоқ оғриганда:** 1 стакан қайноқ сувга 1 чой қошиқ ош тузи ва 2 томчи йод қўшилади-да, бу аралашма билан томоқ кунига 3-4 маҳал чайилади.

**Замбуруғ касаллигида:** 1 ош қошиқ ош тузи 1 стакан қайноқ сув билан аралаштирилади. У хона ҳароратида бўлиши зарур. Оёқлар тузли сувга ювилгач, тоза сув билан чайилиб, қуригунча артилади. Бир дона саримсоқпиёз бўлаги янчилади. 1 литр сувда 1 чой қошиқ туз эритилади. Сўнг бу сувга янчилган саримсоқпиёз аралаштирилади. Сузиб олингач эса яна 4 қошиқ шўр сув қўшилади. Бу аралашма ҳафтада 2 марта замбуруғ касаллиги бор жойларга сурилади.

**Тумовда:** Лимон шарбатини бурун билан тортиб нафас оласиз. Бу муолажани бир неча марта бажарасиз. Сўнг 1/2 стакан илиқ сувда 1/2 чой қошиқ туз эритилади. Ушбу аралашмага 2 та пахта бўлагини ботириб олиб, бурун тешигига тиқасиз. Тузли сув буруннинг шиллиқ қаватидаги шишни йўқотади.

Турпга асал, туз ва қирғичдан чиқарилган ерқалампир илдизини тенг миқдорда қўшасиз. Ҳаммом ёки ваннада танани яхшилаб қиздириб олгач елка ва кўкракнинг хочсимон қисмига яхшилаб сурасиз. Бу аралашма шамоллашни йўқотади.

Яна бир муолжажа эса шундай: Оёқларингизни тоғорадаги туз қўшилган сувга тиққан ҳолда, оғзингизда 10-15 дақиқа давомида ароқ тутиб турасиз. Кейин 2 стакан малина ёки ялпизли чой ичасизда, иссиққина ўралиб ётасиз.

1 ош қошиқ тузни 1 литр сувда эритасиз. Кафтингизга ушбу сувдан олиб бурнингизга тортасиз. Бошингизни орқага ташлаб, қўл билан бурун тешигини беркитиб турасиз. Буруннинг шиллиқ қавати таъсирчан бўлгани учун биринчи муолажада бироз оғриши мумкин. Бир неча муолажадан сўнг умуман оғримайди.

**Куйганда:** тери туз ва совун қўшилган сувда яхшилаб ювилади. Бу аралашма терини тезда қотириб, тузалишига ёрдам беради.

**Шамоллаганда:** паст оловга товани қўйиб устига туз соласиз. Қизиган това устига эса қуритилган ва янчилган маврак (шалфей) гиёҳини соласиз. Қизиган туз ва гиёҳдан таралаётган дуд устига энгашиб нафас олинг. Юмшоқ қўлқоп кийган қўлингиз билан бир ҳовуч туз олинг-да, танангизга яхшилаб ишқаланг. Шундан кейин қайноқ ванна қабул қилиб, ўралиб ётсангиз тез тузаласиз.

**Тери сўла бошласа:** 1 ош қошиқ тузни озроқ сувда эритасиз. Аввал юзингизга ўсимлик ёғидан сурасиз. Сўнг пахтани тузли сувга ботириб, юзингиз ва бўйнингизга айланма ҳаракатлар билан суриб чиқасиз. Юзингизни илиқ сув билан ювгач, бирорта озиқлантирувчи кремдан суриб қўясиз.

**Қичима:** тузни туйиб балиқ ёғи билан аралаштирасиз-да, қичима тошган терига сурасиз.

Чучукмия (солодка) ва тузни кукундек туйиб тенг миқдорда аралаштирасизда, зарарланган терига суриб чиқасиз.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**




**528** **Ёшим 25 да.** Турмушга чиқмаганман. Асли тошкентликмиз. Боофрў хонадоннинг фарзандиман. Ҳамшира бўлиб ишлайман. Пазанда, ораста ва чевар қизман. Тошкентлик, ишлайдиган, ўқимишли, жиддий, ўзининг уй-жойи бор, яхши оиланинг фарзанди бўлган, келишган йигитга турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нодира**

**529** **Ёшим 71 да.** Асли бухороликман. Аёлим вафот этган. Болаларим уй-жойли. Катта лавозимларда ишлаганман. Ҳозир пенсиядаман. Катта ҳовли-жойим бор. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Лекин ёлғизликка сира кўника олмаяпман. 60 ёшгача бўлган, (қаердан бўлса ҳам майли), оқила, фарзандлари ташвишидан тинчиган аёл бўлса, оила қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Қаҳҳор ака**

**530** **Ёшим 46 да.** Ажрашганман. Маълумотим олий. Ёлғиз яшайман. 55 ёшгача бўлган, ўқимишли, аёл кўнглини тушуниб, уни қадрлай оладиган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, уй-жойли эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Хайринисо опа**

**531** 42 ёшли опам бор. Турмушга чиқмаган. У жуда замонавий, оқила қиз. Асли Тошкент вилоятида яшаймиз. 30-37 ёшгача бўлган, ажралган ёки уйланмаган эркак бўлса, опамни узатган бўлардик.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулсара**

**532** **Ёшим 47 да.** Ангрен шаҳрида яшайман. Ажрашганман. Ишлайман. Икки нафар эгизак фарзандларим бор. Тақдир экан, ҳозир ёлғизман. Маълумотим олий. Моддий таъминланган бўлсам ҳам, болаларимга ота кераклиги учун турмушга чиқишга қарор қилдим. 55-60 ёшгача бўлган, ишлайдиган, меҳрибон эркак бўлса оила қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зарифа**

**533** **Ёшим 39 да.** Тошкент шаҳрида яшайман. Ажрашганман. Икки нафар фарзандим бор. Ўзимнинг ҳовли-жойим бор. Ишлайман. Турмуш қийинчиликларини енгиб ўтган, меҳнаткаш аёлман. 50 ёшгача бўлган, тошкентлик, жиддий, ишлайдиган ёки ҳунармандчилик билан шуғулланадиган эркак бўлса оила қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Робия**

**534** **Ёшим 36 да.** Ажрашганман. Тошкентликман. Ўзимнинг уйимда яшайман. Икки нафар қизларим бор. 48 ёшгача бўлган (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ), уй-жойли эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Робия**

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# КЎНГИЛ ЁЛҒИЗ БЎЛМАСИН...

**535**

**- Ёшим 60 да.** Тошкент шаҳрида яшайман. Аёлим тўрт йил аввал вафот этди. Тўрт нафар, бир-биридан чиройли қизларим бор. Худога шукр, ҳаммаси уйли-жойли. Яхши оилаларга келин бўлишиб, ўзларидан тинчиб кетишган. Бу ерга келишимга эса ҳаётимдаги аччиқ айрилиқ сабаб бўлди,-дея гап бошлади басавлат, анча жиддийлиги чеҳрасидан сезилиб турган Шокир ота.

**- Бошингизга қандай ташвиш тушганди?**

- Қизларимни узатиб, набиралар кўрдик, тўйлар қилдик, орзу-ҳавасларимизни кўриб, аёлим билан кўнглимиз тинчиди. Бироқ, бир кам дунё, деганлари рост экан. Кутилмаганда аёлим касал бўлиб қолди. Дард бир ёпишса кетиши қийин кечар экан. Олиб бормаган шифокорим, табибим қолмади. Бир неча марта хорижга ҳам олиб бориб даволатиб келдим. Афсус, аёлим шифо топмади. Кўп ўтмай бу дунёдан кўз юмди.

**- Ҳозир қизларингиздан бири сиз билан яшайдими?**

- Қизларимни безовта қилгим йўқ. Ҳар бирининг ширингина рўзғори, ўзига яраша ташвишлари бор. Уларни уйимга кўчириб келсам, ўзлари ўрганган муҳитидан ажратиб безовта қилган бўламан-да. Шу боис, баҳоли қудрат, ёлғиз бўлса ҳам яшаб келаяпман. Қизларим тез-тез келиб туришади. Жуда меҳрибон. Оиламда ҳеч қачон моддий камчилик бўлмаган. Ҳеч қачон қўрқув билмаган мендек инсон, энди ёлғизликдан қўрқа бошладим.

**- Уйланмоқчисиз, лекин бунга қизларингиз қандай қарашади?**

- Улар ҳам кўп аёлларни топиб, менга тавсия этишди. Хуллас, бирортаси маъқул бўлмади. Ҳа, асли уйланмоқчи эмасдим. Лекин ёлғизлик инсонни ғариб қилиб қўяр экан. Шу боис ёлғизликдан кечиб, уйланишга аҳд қилдим. Кўнгил ёлғизлигидан эзилдим. 45 ёшгача бўлган бир ёлғиз аёл бўлса-ю, уйимга файз киритса...

**Шокир отани тушундик. Чиндан ҳам атрофинг тўла одам бўлса-ю, сенга ҳамдард, дилдошинг бўлмаса ёмон-да. Шокир отага ҳамроҳ, садоқатли ёр бўла оладиган аёллар учун у кишининг манзили таҳририятда.**

* * *

**536** - Исмим Дилноза. Тошкент вилоятида яшайман. Бир ҳамқишлоғимга ёрдам бериш учун таҳририятга келдим. Унинг ўзи кела олмайди. Чунки 16 ёшида ногирон бўлиб қолган. Ҳозир эса ногиронлар аравачасида юради,- дея гап бошлади навбатдаги оқ-сариқдан келган қиз.

**- У туғма ногирон эмасми?**

- Йўқ, у онасининг ўрнига далага бориб, қайтаётганда тракторнинг остида қолиб кетган экан. Даволаниш учун бормаган жойи қолмаган. Лекин фойдаси бўлмабди.

**- Ҳамқишлоғингиз қаерда яшайди?**

- Обиджон Тошкент вилоятида яшайди. Ногирон бўлгани билан баъзи соғлом эркаклардан кўра кўп ишлайди. Оиласини моддий томондан таъминлай олади. Бунинг устига таъби нозик шоир ҳам, ажойиб шеърлар ёзади. Китоб чиқаришни орзу қилади. Ўзининг уй-жойи, мол-ҳоллари бор. Ҳеч кимдан кам эмас. Отаси иккиси бир-бирига ҳамдард бўлиб яшашади. Отаси ҳам Обиджонни бир яхши қизга уйлантирсам, -дея орзу қилади. Чунки аёлсиз уйдаги барча юмушлар отага ҳам оғирлик қилади.

**- Демак, Обиджонга рафиқа топиш учун ёрдам бериш ниятидасиз...**

- Қани энди? Ўзи ногирон бўлгани билан кўнглида эзгу ниятлари кўп бўлган йигит ҳам уйланиб, оила қурса... Ахир бирорта жисмоний камчилиги учун изтиробга тушиб, ўксиниб, турмуш қура олмай юрган қизлар ҳам бор-ку! Шундай қизлар Обиджон билан турмуш қуриб, бир-бирларининг ўксик кўнгилларини кўтаришиб чиройли оила қуриб яшашлари мумкин-ку, шундай эмасми?

***Дилда асраб юрганим,***
***Ишқ деган бир чўғ бўлди.***
***Ҳаммага кенг бу дунё,***
***Ёрсиз менга тор бўлди...***

- деб ёзади Обиджон кенг дунёдан ўз садоқатли севгилисини излар экан. Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган Обиджоннинг ўз ёрини топиб, бахтли бўлишини жуда-жуда истар эдик. Бу йигит билан оила қуриш истагида бўлган қизлар учун унинг манзили таҳририятда.

**Басира тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50**

# БИР СЕВГИ ҚИССАСИ

**(Охири. Боши 13-бетда)**

Фақат ётоққа келгач конвертни очдим.

"Ассалому алайкум, Аҳмад ака!

Ушбу хатни саломдан кўра видолашувдан бошласам ҳам бўларди...

Лекин, билсангиз, бошингизни баланд кўтариб мағрур тутадиган вақт ҳам етиб келди-чиқар.

Ўлиб кетиш нима? Кўзингни чирт юмасану "пуф" деб сўнгги нафасни чиқарасан... Бироқ ўз ўлимингни билиб яшаш, ўтган ҳар бир кунингни минут-минутигача санаб яшаш ва булар ҳақида бетиним ўйлашнинг ўзи қанчалик даҳшат! Лекин мен не аҳволда бўлсам-да, сизни ўйлаганларим-чи...

Дардимни сизга ошкор этолмадим. Журъатсизлигим учун узр! Энди очиқ-ойдин гаплашишимга рухсат берсангиз. Ўлим ҳақ экан. Пешона-да. Бу эса ҳамманинг бошида бор. Шунга бундан кўп қайғурманг. Мени бир нарса қувонтиради: мен бахтлиман, чунки сиздек йигитнинг севгисига муносиб бўлдим, муҳаббатингизга сазовор бўлганимга ва ҳаётимнинг сўнгги кунларида бу шикаста қалбимга Оллоҳ муҳаббатдек улуғ неъматни инъом этганига мингдан-минг шукроналар айтиб кетмоқдаман бу фоний дунёдан боқий дунёга. Одамзод дунёга йиғлаб келиб йиғлаб кетади дейишади. Мен шу қисқа умримда оз бўлса-да бахтиёр бўлиб кетяпман. Бу бахтни менга сиз бердингиз.

Ҳаммаси учун сизга раҳмат!

Буёғига мен сизга битмас-туганмас бахтли ҳаёт тилайман. Мен етишмаган орзу-умидларга сиз етишишингизни истайман. Ўлимимдан кўп қайғурманг, Оллоҳнинг иродаси шу экан, фақат бу ишлар энди сизга, сизнинг чинакам бахтли бўлишингизга ёрдам берсин! Ишонаман, сиз албатта бахтли бўласиз!

Дунёда ажойиб қизлар кўп. Кўнглингиз чопган бирортасига уйланинг. Сиз ҳар қандай қизни бахтиёр эта оласиз.

Мана шундай бахтиёр кунларингизда мен бахтиқаро Маҳбубангизни ҳам ҳар замонда ошкора бўлмаса-да, пинҳона юрагингизнинг бир четида эсга олиб ўтинг.

Сўнгги илтимосим, ўша орамиздаги эски гап, лозим кўрсангиз, мен ҳақимда ҳам ёзарсиз... Балки у вақтларга келиб менинг ҳам касалимнинг давоси топилар.

Алвидо! Маҳбуба- Маҳбубангиз!

Бу хатни сақламай йиртиб ташланг!"

Конвертда иккига букланган алоҳида яна бир варақ ҳам бор эди. Устига "Ёзувчига" деб ёзиб қўйилибди. Унга қуйидаги сўзлар илова қилинганди.

"Аҳмад ака!

Қиз боланинг кўнгли қанақалигини биласизми? Билмасангиз билиб қўйинг.

1. Йигит олдида ёноқлари гул-гул ёнса, қиз севган бўлади.

2. Сизни кўрганда уялиб ерга қараса, билингки, бу сизга бўлган меҳру муҳаббатидир.

3. Қиз бола ҳеч қачон севдим деб айтмайди...

4. Қўлини ушлаганда тортиб олмадими - бу ҳам муҳаббатдан дарак.

Бундай тартиб билан ёзилган - Маҳбуба ўз кўнгил сирларининг ошкор этган сатрлар яна анча давом эттирилган, аммо улар негадир сиёҳли ручкада ўқиб бўлмас қилиб ўчириб ташланган эди.

Бир ҳафта ўтгач касалхонага бориб билдим - Маҳбубанинг касали саратон экан. Ўшанда илк операция бўлганида ва грижасини олдирганда врачлар унга билиб-билмай тиғ тегизиб қўйишган экан, шундан кейин бу ўсувчи ўсма авж олиб кетибди. Сўнгги чора - операция ҳам ёрдам бермабди...

Эй, бевафо дунё, гоҳида бировга яхшилик қилишни билмайдига ёмонларга юз йил умр берасан. Менинг шунча йил орзулай-орзулай излаб топганим, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Маҳбубада не гуноҳ бор эди? Эй, парвардигор, наҳотки шу гулдек беозор, кўнгли зилолдек тиниқ қизгинанинг жони керак бўлиб қолган бўлса Сенга?!

Энди мен нима қиламан?..

**Адҳам ДАМИН**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Босишга топшириш вақти - 20:00.

Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси,**
**1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 932. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10965
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Н. ИМОМОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5